БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 135

17 АВГУСТ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Корея Халқ Демократик Республикасининг Москвадаги элчихонасида қабул маросими (1-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумининг фармони (1-нчи бет).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетида (1-нчи бет).

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига (1 бет).

БЕШИНЧИ БЕШИЙЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ. **О. Левак.** — Пармаловчи Рустам Зоҳидов (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. **М. Ғозиев.** — МТС партия ташкилотининг ишчанлигини ошириш керак (2-нчи бет).

Я. Юсупов. — Областимизни ёппасига радиолаштирайлик. **И. Бурнашев.** — Ҳарбир корхонанинг давлат планларини тўла ва ошириб бажаришига эришайлик (2-нчи бет).

Ғўзаларни сифатли парвариш қилиш блан бирга пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриш ишларини ҳам кучайтириб юборайлик! (3-нчи бет).

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ. **Ф. Учиваткин, А. Бородулина.** — Ғўзани августда барги орқали озиқлантирайлик (3-нчи бет).

Совет студентлар ва ёшлар газеталари редакторларидан бир группасини АҚШ га бориши ҳақида (4-нчи бет).

Кореянинг озод қилинганига 9 йил тўлган кунинг байрам қилиниши (4-нчи бет).

Ғўза парваришини пахта йиғим-теримига тайёргарлик блан боғлаб олиб борайлик

Областимиз пахтакорлари ва механизаторлари республикамизнинг шонли 30 йиллиги шарафига бошланиб кетган социалистик мусобақага қўшилиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Илғор колхозларнинг а'золари, совхозларнинг ишчилари июль ойидаги сур'атни сра ҳам бўшаштирмай, августда ҳам ҳарбир туп ғўзани сифатли парвариш қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Ишни пухта ўйлаб тузилган план асосида ташкил қилган ва олиб бораётган колхоз, совхозларда ғўза парваришини қизғин давом этдирилмоқда ва шу блан бирга пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик ишлари ҳам олиб борилаётир. Бунга Гулистон районидаги Молотов номли, Ховос районидаги Карл Маркс номли, Янгийўл районидаги Ленин номли, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда», Чиноз районидаги Ленин номли колхозларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу район партия комитетлари КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумлари қарорлари асосида дала ишларини дурust ташкил қилдилар.

Лекин, умуман олганда, областимизнинг кўпгина колхозларида август ойи кириши блан ғўза парваришининг сур'ати бўшаштириб юборилди. Айрим колхоз раҳбарлари бегамлик кайфиятларига берилиб кетиб, ғўза парваришига мутлақо аҳамият бермай қўйдилар. Чиноз районидаги «XIX партс'езд» колхозининг раиси Норқўзи Холматов, «кўп еримизди ғўзамиз яхши», деб ғўзаси ўсишдан қолаётган участкалардаги бригадаларга мутлақо аҳамият бермай қўйди. Колхознинг «Эмбек», «Политотдел» участкаларидаги бригадаларнинг даласида бўлсангиз, шу вақтгача ҳам яхши ҳосил олмаган, сўнгги вақтда чопиқ ва культивация тўхтатиб қўйилганлиги сабабли ривожланишдан қолган ғўзаларни кўрасиз. Колхознинг ўртоқ Мамажонов бошлиқ бригадасида 15 кундан бери суғорилмаётган, чопиқ ва культивация қилинмаётган ғўзалар бор. Бундай бепарволик натижасида, ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган ҳосилнинг бир қисми тўкилиб кетаётир.

Чиноз район раҳбарлари «XIX партс'езд» колхозида йўл қўйилган бу камчиликларга нисбатан, қат'ий чора кўришлари, колхозларда ғўза парваришини кучайтириб юбориш, уни пахта йиғим-терими блан бирга қўшиб олиб бориш учун барча чораларни кўришлари керак.

Чиноз районидаги бўшашучилик, хотиржамлик кайфияти областимиздаги бошқа бирқанча район колхозларига ҳам тааллуқлидир. Октябрь районидаги Сталин номли, Ўртасарой районидаги Охунбобоев номли, Мирзачўл районидаги Сталин номли, Ўртачирчиқ районидаги Каганович номли колхозларни раҳбарлари ғўзанинг кўкини кўриб хотиржам бўлиб қолмоқдалар. Ана шу колхозларнинг даласида ишлаётган тракторни ҳам, чопиқ қилаётган колхозчини ҳам кўрмайсиз. Вақтида сув қўйилмаётгани учун қуриб, қотиб қолган каторларни, натижада шона, гулларини тўкиб юбораётган ғўзаларни кўрасиз. Октябрь районидаги Сталин номли колхоз (раиси агроном Ўртоқ С. Қаюмов) 3-нчи бригадасининг 30 гектар ердаги ғўзаси 25 кун давомида суғорилмаган. Оқибатда, ғўза гул ва шона уёқда турсин, хатто кўсакларини ҳам ташлаб юборган.

Бундай нотўғри ҳаракатларга кескин зарба бериш, ҳосилнинг нобуд бўлишига қасддан йўл қўяётган кишиларга тезгишли чора кўриш керак.

Пискент районн ҳар йили пахта тайёрлаш планини бажаролмай, областимизнинг ҳам орқада қолишига сабаб бўлмоқда. Район раҳбарлари (райком секретари Латипов, район ижроия комитетининг раиси Абдуллаев ўртоқлар) давлат томонидан етказиб берилаётган молдий техника ресурсларидан ўз ўрнида, самарали фойдаланолмаётирлар.

Августнинг биринчи ўн кунлигида берган ма'лумотга қарагaнда район бўйича ўт босган, ўсишдан қолган ғўза 750 гектар ҳисобланарди. Андижон областидан келган ўзаро текшириш бригадасининг а'золари ҳали районда 2 минг гектардан ортиқ ердаги ғўза ёмон аҳволда эканини, ўсишдан қолаётганини аниқладилар. Андижонлилар ана шу камчиликларни тузатиш учун августда астойдил меҳнат қилиш кераклигини пискентлиларга айтиб бердилар. Бироқ, шундан кейин ҳам район колхозларида ўзгариш бўлмади. Кўп колхозларда тракторлар ишлатилмай бекор туриб қолмоқда.

Пискент район партия, совет ташкилотлари раҳбарларининг ҳозирги кунлардаги энг муҳим вазифаси юқоридаги кўрсатилган мавжуд камчиликларни бартараф қилиш учун барча тадбирларни кўришдан иборат.

Илғор пахтакорлар ҳар йили ҳам август ойида ғўза парваришини бўшаштирмасдан, ҳарбир пайкалдаги ғўзанинг талабига қараб суғорадилар, чопиқ ва культивация ўтказадилар. Шунинг учун ҳам ана шундай колхозларда пахта ҳосили мўл бўлаётир, йиғим-терим ишлари муваффақиятли ўтказилмоқда.

Район партия, совет ташкилотларининг шу кунлардаги энг муҳим вазифаси, ғўза парваришини тўхтатмай, дала ишларини кучайтиришдан, трактор ва от культиваторларининг бир ме'ёрда ишлашини та'минлашдан иборатдир. Август ойида қолоқ ғўзаларни ажратиб, алоҳида парвариш қилиб, ҳарбир туп ғўзанинг ҳам мўл ҳосил тугишига эришиш зарур.

Ғўзани август ойида чанқатиб қўйиш ёки хаддан ташқари кўп суғориб юбориш, фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган ҳосилнинг бир қисмининг тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Колхоз правленелари, айниқса колхоз ҳосилот советларининг раислари суғориш устидан доим назорат қилиб туришлари, сувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиб беришлари зарур.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, етиштирилаётган ҳосилни сра нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, ана шу ишга пухта тайёргарлик кўришга ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Автомашина, аравалар ремонти тезда тугатилиши, йўл ва кўприклар тузатилиб қўйилиши керак. Ҳарбир колхозда етарли миқдорда қоп-қанорлар, этаклар, тош-тарозилар бўлсин.

МТСларнинг давлат агрономлари ва колхозларнинг агрономлари дала ишларининг сифатини текшириб туриш блан бирга, йиғим-теримга ҳам тайёргарлик кўришда ташкилотчи бўлишалари, колхоз правленелари блан биргаликда йиғим-терим даври учун иш планлари тузишда уларга ёрдамлашишлари лозим.

Август — ғўзи ҳосил тўплашда ҳал қилучи ой хисобланади. Ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳарбир соатидан самарали фойдаланиб, ғўзани юқори сифатли парвариш қилайлик. Ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб етиштирилаётган пахта ҳосилимизнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун шу кунларда ҳар тарафлама тайёргарлик кўриб қўяйлик.

Партия ташкилотлари ҳозирги ғанимат кунларда ғўза парваришини пахта йиғим-теримига тайёргарлик блан боғлаб олиб боришни та'минлашлари керак.

Корея Халқ Демократик Республикасининг Москвадаги элчихонасида қабул маросими

Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лим Хэ Кореянинг Совет Армияси томонидан озод қилинган кунга IX йил тўлиши муносабати блан 15 августда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида қатнашган меҳмонлар орасида Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, М. З. Сабуров, РСФСР Министрлар Советининг раиси А. М. Пузанов, СССР Министрлари Б. П. Бешчев, Ф. Д. Вараксин, В. П. Елютин, А. Ф. Засядько, А. Г. Зверев, В. П. Зотов, И. Г. Кабанов, Л. Р. Корниец, П. Ф. Ломако, А. С. Павленко, Н. Д. Псурцев, З. А. Шашков, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари А. Я. Вишинский, СССР Бош Прокурори Р. А. Руденко, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков, «Правда» газетасининг бош редактори Д. Т. Шепилов, «Известия» газетасининг бош редактори К. А. Губин, СССР Министрларининг ўринбосарлари И. Г. Большаков, А. А. Громико, С. В. Кафтанов, М. Р. Кузьмин, В. Н. Столетов, И. Ф. Семичастнов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов, Москва Совети Раисининг Ўринбосари Н. И. Бобровников, Авиация маршали Н. С. Скрипко, армия генераллари А. И. Антонов, В. В. Курасов, Г. К. Маландин, адмираллар Н. Е. Басистий, В. А. Фокин, Г. И. Левченко, генерал-полковник М. А. Шалин, Москва шаҳрининг коменданти генерал-майор И. С. Колесников, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги, Ташқи Савдо Министрлиги, СССР Маданият Министрлиги, СССР Мудофаа Министрлигининг мас'ул ходимлари, жамоат вакиллари, фан ва маданият арбоблари, совет ва четэл журналистлари бор эди.

Қабул маросимида Москвадаги Элчихоналар ва Миссияларнинг бошлиқлари ҳам ҳозир бўлдилар. Меҳмонлар орасида Венгерия Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Складан, Бирма Иттифоқининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси М. Он, Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Чжан Вэнь-Тянь, Вьетнам Демократик Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Нгуэн Лонг Банг, Чехословакия республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Я. Вошаглик, Руминия Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси И. Раб, Болгария Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. Т. Луканов, Польша Халқ Республикасининг Муваққат Ишлар Вакили Ю. Банак, Германия Демократик Республикасининг Муваққат Ишлар Вакили К. Зейц, Мўғулистон Халқ Республикасининг Муваққат Ишлар Вакили Л. Тойбо, Албания Халқ Республикасининг Муваққат Ишлар Вакили С. Хайро ҳам бор эдилар.

Корея Халқ Демократик республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лим Хэ ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари Н. А. Булганин нутқ сўзладилар.

Қабул маросими дўстона, самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УКРАИН ЁЗУЧИСИ П. С. КОЗЛАНЮКНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Украин совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун, туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати блан украин ёзучиси Петр Степанович Козланюк Ленин ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1954 йил 14 август.

Ўзбекистон ССР Олий Совети президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети ғўза қатор ораларини ишлашда трактор паркидан фойдаланиш юзасидан областьлар, МТС ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1954 йил 10 августгача бўлган якунларини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари 1 августдан 10 августгача бўлган 10 кунликда ғўзани узунасига культивация қилиш ва суғориш эгатлари олиш юзасидан йиллик планга нисбатан энг юқори процентга эришган ҳамда ҳарбир чопиқ агрегати блан кунлик ер ишлашда юқори кўрсаткичларга эришган ва ишни юқори сифатли қилиб бажарган қуйидаги МТС ларга берилсин: шу жумладан Тошкент области бўйича:

1. Тошкент область Сирдар'ё районидаги **1-нчи МТС** га (директори ўртоқ **Аҳмедов,** бош инженери ўртоқ **Нороднй,** бош агрономи ўртоқ **Авилкин), бу** МТС узунасига культивация қилишда 12,7 процент, суғориш эгатлари олишда 15,4 процент ўсишга ва ҳарбир агрегатнинг кунда 9,7 гектардан ерни ишлашига эришган. Кўчма Қизил байроқ шу областьнинг Пискент районидаги 2-нчи МТС дан олиб берилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи Тошкент областига берилсин (область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Жалилов,** Ўзбекистон КП область комитетининг секретари ўртоқ **Алимов,** область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Молчанов)** бу область узунасига культивация қилишда 10,3 процент, суғориш эгатлари олишда 13,6 процент ўсишга ва ҳарбир агрегатнинг кунда 9,6 гектардан ерни ишлашига эришган. Кўчма Қизил байроқ Сурхондар'ё областидан олиб берилсин.

«ЛЕНИН УЧҚУНИ» РЕДАКЦИЯСИ ХОДИМЛАРИНИНГ МУКОФОТЛАНИШИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ўртоқ В. Я. Емцов «Ленин учқуни» редакцияси хизматчиларининг катта группасига узоқ йиллик ва самарали хизматлари учун ҳамда газетанинг биринчи сони чиқишига 25 йил тўлиши муносабати блан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғини топширди.

Мукофотланганлар номидан Ғ. Жаҳонгиров ва К. Мухамедов ўртоқлар сўзладилар.

Ўртоқ Емцов мукофотланганларни қизғин табриклади ва уларнинг ишларига янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми туғилган кунига 50 йил тўлиши ва илмий фаолиятининг 25 йиллиги муносабати блан, Тошкентдаги Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг машина механизмлари ва детальлари теорияси кафедрасининг мудири ўртоқ Георгий Антонович Кошевниковга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган механизатор» деган фахрий унвон берди.

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига



Тошкентдаги Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводининг коллективи Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигини янги ғалабалар блан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. **Сурат да:** заводда 22 йилдан бери ишлаб келаётган тажрибали, кўпстанокчи ишчи **Абдулла Шоаҳмедов.**

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Маҳсулот ишлаб чиқоришни кўпайтирамиз

ЧИРЧИҚ. Ленинграддаги Киров номли «Электросила» заводи коллективининг мавжуд ишлабчиқариш майдонларида махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун мусобақани қизитиб юбориш тўғрисидаги чақириғига шаҳар корхоналарининг мингларча ишчилари қўшилдилар.

«Чирчиқсельмаш» заводи энергоцех ходимларидан инженер ўртоқ Гольберг, электрослесарлар бригадасининг бошлиғи ўртоқ Паникарский, электрообмотчи ўртоқ Крюкова яқинда Ленинградга, мусобақа ташаббусчилари олдига меҳмон бўлиб бориб келдилар. Улар илғор корхонада кўпгина қимматли ва қизиқарли нарсаларни ўргандилар. Улар ўз заводларига қайтиб келганларидан кейин бирқанча янгиликларни амалга оширдилар. Электродвигатель обмоткасини жойлашнинг такомиллаштирилган усули меҳнат унумини бир ярим баравар оширади. Доимий токли машиналар полюсларини намотка қилиш вақтида цехда кўп қийинчиликлар юз берар эди. Эндиликда ленинградлилардан ибрат олиб, цехда махсус станоклар тайёрланмоқда. Электр машиналарини йиғиш процесслари такомиллаштирилди. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имкониятини берди.

Ленинградли машинасозларнинг тажрибаси «Средазхиммаш» заводининг қозон цехида ҳам муваффақият блан жорий этилмоқда. Ҳозир бу цехда трубаларни механик усулда қирқиш учун дискали фрезерлар қўлланилмоқда. Махсус ускуналар ёрдами блан халқалар тайёрлашнинг янги методи амалга оширилди. Бу тадбир ишлабчиқариш процессларини тезлаштиришга, кўплаб металлни тежашга имкон берди.

Мамлакатдаги илғор корхоналарнинг тажрибаси Чирчиқдаги бошқа корхоналарнинг цехларида ҳам кенг жорий қилинмоқда. (ЎзТАГ).

Капитал ремонтсиз 140 минг километр

Оҳангарондаги «Ўзбекуголь» трестининг автобазасида ишлаётган Иван Богачев ўзининг намунали меҳнати блан коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқда. Унинг бошқараётган ЗИС — 150 юк машинаси капитал ремонтсиз 140 минг километр масофани босди. Ўртоқ Богачев белгиланган топшириқларни системали равишда ошириб бажармоқда. У, ҳар ойда тежаган ёнилғи ҳисобига 2 — 3 кун юк ташиб берадтир.

Автобазанинг шоферлари ўзлари бошқараётган машинани узоқ вақтгача капитал ремонтсиз ишлатиш учун социалистик мусобақа бошладилар. Иван Богачев бу мусобақага ўз машинасида капитал ремонтсиз 180 минг километр йўл босиш юзасидан мажбурият олиш блан ғўшилди.

Коллектив ўртасида кенг қулоч ёйган мусобақа самарали натижалар бермоқда. Михаил Попов, Ҳаким Зокиров, Александр Белоногов каби шоферлар ҳам кўплаб ёнилғи тежамоқдалар.

Ф. ПЕТРОВ.

СССР ХАЛҚЛАРИ ПОЭЗИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

14 августда Тошкентдаги Горький номли маданият ва истироҳат паркининг ёзги театрида Совет Иттифоқи халқлари поэзиясига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечада Москва, Украина, Белоруссия, Тожикистон, Озарбайжон ва бошқа қардош республикалардан келган ҳамда Ўзбекистон ёзучилари учинчи с'ездига келган шоирлар қатнашдилар. Шоирлардан Николай Тихонов, Ғафур Ғулом, Микола Терешченко ва бошқалар совет халқининг тинчлик йўлидаги курашига, халқлар дўстлигига, коммунизм қуруви совет кишисига бағишланган ўз ше'рларини ўқиб бердилар. (ЎзТАГ).

Колхозга оталик ёрдами

Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозини шу райондаги «Гужтранс» артели оталикка олган. Ҳозир бу артель колхоз ишига катта ёрдам бермоқда. Артель ишчиларидан 10 киши июнь, июль ойларида колхоз далаларига чиқиб, картошка чопиш, пиёз ўташ ишларида колхозчиларга ўз ёрдамларини кўрсатдилар.

Колхознинг чорва моллари учун емхашак тайёрлаш ишларида артель ишчилари 8 та автокачка блан 700 центнердан ортиқ колхоз бедасини ташиб бердилар. Беда ташишда аравакашлардан В. Бородин, Ф. Малик, А. Буватаев ўртоқлар жонбозлик блан ишладилар.

Бундан ташқари артель коллективи колхозга ёрдам тариқасида 10 та автокачка ишлаб берди.

Артель ишчилари колхозга ёрдам бериш блан бирга ярим йиллик ишлабчиқариш планини ҳам муддатидан илгари ортиғи блан бажардилар. Артельнинг темирчиларидан А. Тимченко, В. Федотов, А. Неугодников ва ёш дуродгорлардан Берёзин, Корноухов каби ўртоқлар фидокорона меҳнат қилиб ойлиқ топшириқларини 200—220 процентдан бажариб келаётирлар.

Артель ишчилари социалистик мусобақани янада қизитиб, Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейига ўзларининг муносиб совғаларини қўйиш мақсадида ўз оталикларидаги колхознинг етиштирган ҳосилини йиғиб-териб олишда актив қатнашиш ва ўзларининг йиллик ишлабчиқариш планларини ортиғи блан бажариш учун курашмоқдалар.

А. ТЕМУР.

Илғор нонвойлар бригадаси

Тошкентдаги 6-нчи нон заводининг коллективи махсулот сифатини яхшилаш учун курашиб юқори кўрсатгичларга эришмоқда. Ўзининг фидокорона меҳнати натижасида завод коллективи Узглавхлеб трестининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Завод бошқармаси аҳоли учун а'ло сифатли нон ишлабчиқаришни кўпайтириш учун янги ёш ишчиларни жалб қилиш ва уларнинг мутахассислик малакаларини тинмай оширишга алоҳида э'тибор бермоқда.

Айниқса нон ясаш цехининг мастерлари ёш шогирдларнинг мутахассислигини ошириш соҳасида яхши иш олиб бормоқдалар. Яқингинада шу цехга шогирд бўлиб кирган Роза Толибоева, Тамара Фокина, Ҳури Аҳмедова, Ермошина каби қизлар Р. Азизов ва Говрихина каби тажрибали мастерларнинг яқиндан кўрсатган ёрдамлари натижасида нон ясаш ҳунарининг усталари бўлиб етишдилар. Роза Толибоева эса ўзининг ҳаракатчанлиги натижасида қисқа муддат ичида бригада бошлиғи даражасига кўтарилди. Ҳозир у бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси завод бўйича энг олдинда бормоқда. Актив жамоатчи Толибоева ўз бригадаси а'золари ўртасида ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юборишни, меҳнатни намунали ташкил қилиши натижасида ҳар сменада нормадаги 6 тонна ўрнига 7 — 8 тоннадан нон тайёрлашга эришаётир.

Бригада а'золаридан Х. Аҳмедова, Т. Фокина каби комсомоллар смена топшириқларини доимо 120 — 130 процентдан бажариб келаётирлар. Шу кунларда бригада а'золари Ўзбекистон 30 йиллиги юбилейи шарафига бошланган мусобақага қўшилиб, кўплаб а'ло сифатли нон махсулотлари тайёрлаш учун астойдил курашмоқдалар.

Нурмат ҲАКИМОВ.

Ташхлебторг контролери.

☆ ☆ ☆

БЕШИНЧИ БЕШИЙЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Пармаловчи Рустам Зоҳидов

Рустам Зоҳидов меҳнатда ўзига хос йўл босиб ўтди. Бундан 10 йил муқаддам ёши 40 дан ошган Рустам ака «Средазхиммаш» заводининг 1-нчи механика цехига оддий ишчи бўлиб кирди. Кўпчилиги ёшлардан иборат бўлган бу коллектив ичида Рустам ака кексалардек кўринарди. Ёши катталиги ҳам майли-я, у, станок ва умуман машинасозлик касби соҳасида ўзининг тили блан айтганда «алифни калтак ҳам деяолмас», я'ни техника соҳасида мутлақо саводсиз эди.

Аммо Рустам акада ҳунар ўрганишга зўр қизиқиш бор эди. У, пармалаш ишини яхши кўриб қолди. Ўз мақсади йўлида ҳеччарса олдида тўхтаб қолмайдиган Рустам ака ёшлар блан тезда иноқлашиб кетди. Пармаловчи Николай Калашников, мастерлардан Александр Ходун, Александр Тарликов каби рус ва украин дўстлари унга яқиндан ёрдам бердилар. Ўз ишининг усталари бўлган бу кишилар блан мустаҳкам ҳамкорлик натижасида Рустам ака тезда уста пармаловчи бўлиб етишди.

Тўғри, бундай ютуқ осонлик блан қўлга киритилгани йўқ. Айниқса бир куни бўлиб ўтган воқиа Рустам аканинг ёдидан сра чиқмайди...

Оддий детальларни пармалашга қўли келиб қолган Рустам ака ўзини дадилроқ сезди ва мураккаброқ иш беришларини сўради. Ёши ўтиб қолган кишидаги бундай қизғин интилишни кўрган мастер унга компрессор детальларини пармалашни берди.

Пармаловчи станокда компрессорнинг коленчатий вали ўрнатилган. Рустам аканинг бақувват қўли станок ричагини маҳкам тутиб турипти. Ёшларникидек чақнаган кўзи айланаётган пармадан сра узилмайди. У, коленчатий валда мойлаш учун тешикча ўймоқда. Жуда нозик процессни биринчи марта бажараётгани учун Рустам аканинг юраги одатдагидан ташқари тез тепиб, ҳаяжонланмоқда. «Ишқилиб, бузилмасин-да» деган фикр унинг миясида қаттиқ ўрнашиб олган. Ишнинг энг нозиги шу, мойдон ўйишдир. Чунки у ма'лум даража бурчак бўйича анча чуқур пармаланади. Деталь ёки парма тўғри тутилмаса ёки резец ҳаракати диққат блан кузатиб турилмаса, асбоб ҳам ишдан чиқади, деталь ҳам брак бўлади. Ана шунинг учун Рустам ака бу мураккаб операцияни бажаришга киришганида жуда ҳаяжонланмоқда эди...

Кўп вақт ўтмай Зоҳидов компрессорларнинг барча мураккаб детальларини а'ло сифатли ишлаб бераоладиган бўлиб қолди. У, энди мураккаб операцияларни такомиллаштириш ва соддалаштириш устида бош қотирабошлади. Чунки, операция қанча қийин бўлса, брак шунча кўпроқ бўлади. Операцияни соддалаштириш учун кураш — бракка қарши курашдир. Бу соҳада бирмунча тажрибага эга бўлган Рустам ака пармаловчи станокнинг тузилишини ўзгартириб, анча қулайлаштирди; пармаларни чархлашнинг янги рационал усулини қидириб топди. Натижада кўп меҳнат талаб қиладиган чархлашни анча енгиллашди, тиғли асбоб-ускуналарнинг синиши камайди. Компрессорларнинг детальлари: станина, картер, цилиндр ва бошқа детальларни пармалашда меҳнат унуми деярлик икки ҳисса ортди.

Кундалик смена топшириғини системали равишда ошириб бажариш ва ишлабчиқаришга кўплаб янгиликлар киритиш натижасида Рустам Зоҳидов бешинчи бешйиллик топшириғини ўтган йилнинг ўзидаёқ ортиғи блан бажариб қўйган эди. Ҳозир у 1957 йил ҳисобидан ишламоқда.

Шу кунларда донгдор пармаловчи Зоҳидов Куйбишев номли станокозлик заводининг мастери, Сталин мукофоти лауреати В. Жиров таклиф қилган деталларни тезкорлик методи блан пармалаш усулини эгаллаш устида ишламоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ у, бу соҳада бирмунча муваффақиятларга эришди: компрессорларнинг станина, цилиндр ва бошқа детальларини Жиров методи бўйича пармалашни ўзлаштирди.

Рустам ака узоқ вақт давомида тўплаган бой тажрибасини ёшларга қунт блан ўргатмоқда. Унинг қўлида 10 дан ортиқ ёш ишчилар ҳунар эгаси бўлиб етишдилар. Унинг шогирдларидан ёш пармаловчи Алиев ва Мустафин ўртоқлар шу кунларда Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада олдинги safda бормоқдалар. Ёшлар Рустам акадан жуда миннатдорлар. Чунки ҳозир ҳам кекса устоз ёшларга ҳардоим ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Рустам аканинг ёши ҳозир 50 дан ошди. Аммо уни ёшлар блан бирга сайр қилиб юрганини ёки бирор масала юзасидан қизғин тортишиб турганини кўрган киши сра ажабланмайди. Чунки ёши улғайган бўлса ҳам, Рустам аканинг юраги ёш, ўзи тетик ва бақувват. Ҳатто якшанбаликларда ҳам ёшлар блан бирга ишлайди.

Шаҳар Советининг депутати Рустам Зоҳидов ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштириш, меҳнат унумини ошириш учун курашиш блан бирга, завод ва шаҳар ижтимоий ҳаётида ҳам актив иштирок этмоқда.

Рустам Зоҳидов тинч ижодий меҳнатдан бахт топган мингларча оддий совет кишиларининг биридир. У блан «Средазхиммаш» заводининг коллективи ҳақли равишда фахрланади.

О. ЛЕВАК.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

МТС партия ташкилотининг ишчанлигини ошириш керак

МТС партия ташкилотининг район партия активи йиғилишининг якуни ва галдаги вазифалар ҳақидаги масалани муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши белгиланган вақтдан ярим соат кечикиб очилди.

Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Холиқов район партия активи йиғилишининг қарорини бошдан-оёқ, тутилиб-тутилиб ўқиб берди. Сўнгра у МТС хизмат қиладиган колхозларда ғўзанинг парвариши ва йиғим-теримга тайёргарлик ишларининг қониқарсиз бораётганлигини икки оғиз сўз блан та'кидлади-да, қўлидаги сводкаларни варақлайбошлади. У ўнкунлик ишнинг якунини, колхозларда хашак тайёрлаш, ғалла ўришнинг бориши ҳақидаги ма'лумотни ўқиб, онда-сонда ўзидан гап қўшиб залдагиларга тикилар, йиғилишдагилар эса унинг сўзидан қаноат ҳосил қилмай, унга қараб луқма ташлар эдилар. Докладчи сводкаларни у еридан, бу еридан ўқиб «доклади»ни тамомлаб, энди ўрнига ўтираётганда, яна бир масала эсига тушиб қолди. У қайтадан минбарга чиқди.

Машина-трактор станциялари колхоз ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи етакчи куч ҳисобланади. МТС партия ташкилоти олдига бой техникадан тўғри фойдаланиш, механизмларнинг бутун кучини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сафарбар қилиш вазифаси қўйилган.

Аммо Мирзачўл районидаги 1-нчи МТС партия ташкилоти трактор бригадаларида оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўймаган. МТС хизмат қиладиган колхозлар бўйича культивация плани 117 процент бажарилган бўлса ҳам, кўпгина колхоз ва бригадаларда ишнинг сифатига аҳамият берилмади. Айрим тракторчилар сон орқасидан қувиб культивациянинг сифатини бузишга йўл қўйдилар. Будённий номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Оқмуллаев бошлиқ трактор бригадаси культивация қилиш планини ошириб бажарган. Лекин бригада ишлов берган ғўзаларнинг ҳосили кам. «Ленинизм», Жданов номли колхозлардаги суғорилган ерларда ўз вақтида культивация ўтказилмагани учун кесак кўчиб, ғўза тупини шамоллатиб қўйиш, шона ва гулларини тўкиб юбориш ҳоллари рўй бермоқда.

МТСда ўтган йилдагидек бу йил ҳам пахтани машина блан теришга тайёрланиш ёмон аҳволда. Пахтаси машина блан териш учун ажратилиши лозим бўлган 3000 гектар ер ҳалигача белгиланмаган. Ғўзаларнинг баргини тушириш учун керакли заҳарли моддалар ташиб келтирилмаётир, 87 пахта териш машинасидан бори-йўғи 7 таси ремонтдан чиқарилди. Ремонт ишларига тажрибасиз ёш тракторчилар қўйилгани учун, тракторларнинг кўп қисмлари сифатсиз ремонт қилинмоқда. Ҳали жуда кўп ҳайдовчилар етишмайди. Ворошилов номли, Будённий номли колхозларда кўпгина ҳайдовчи — тракторчилар ҳалигача МТС ихтиёрига ўтказилмаган. Улар иккинчи даражали ишларда — омборчи, аравакаш, кассир сифатида ишламоқдалар.

Юқоридаги камчиликлар МТС партия ташкилоти ва унинг секретари ўртоқ Холиқовни ташвишлантирмайди. Партия ташкилоти ҳалигача ўз ишини қайта қуриб олмаган.

Партия ташкилоти партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни хўжалик ишига боғлаган ҳолда олиб бориш зарурлигини унутиб қўймоқда. Ўртоқ Холиқов мажлислар ўтказиш ва унда масалаларни юзаки муҳокама қилиш блан кифояланмоқда. Бунга юқорида айтган йиғилишимиз мисол бўлаолади. Кейинги ойларда бўлиб ўтган партия йиғилишларида агитаторларнинг иши, колхозларда ем-хашак тайёрлашнинг боришига доир бир қатор актуал масалалар муҳокама қилиниб қарор қабул қилинган бўлса ҳам, бу қарорлар амалда бажарилмай қолди. Партия ташкилоти ўзи чиқарган қарорларнинг ижроси учун курашмаётир.

Колхозларда машиналардан тўғри ва унумли фойдаланиш, механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа ишларини кучайтириш э'тибордан четда қолмоқда. Агитаторларнинг деярлик кўпи мусобақа якунларини тракторчиларга ўқиб бермайдилар. Партия ташкилоти эса илғор тракторчиларнинг иш тажрибасини оммалаштириш, уларнинг маданий-маиший аҳволини яхшилаш блан чуқур қизиқмайди. Ўртоқ Холиқов эса тракторчилар блан суҳбатлашмайди, уларнинг талаб ва истакларини билмайди.

Яқинда ўртоқ Холиқов Ворошилов номли колхозда бўлди. Трактор бригадасининг механиги ўртоқ Пестрих МТС дирекцияси тракторчиларга ғалла бермаётгани тўғрисида шикоят қилди. Ўртоқ Холиқов бу масалани дарҳол ҳал қилиш ўрнига, ғаллани заготзернодан оласизлар, деб нотўғри жавоб бериш блан бу муҳим ишни ўзидан соқит қилди. Натижада МТС бухгалтерининг айби блан йил бошидан бери механизаторларга қилган ишлари эвазига ғалла берилмай келмоқда.

— Партия ташкилоти биз блан ишламайди, — дейди трактор механиги коммунист ўртоқ Кондалов, — ўртоқ Холиқов эса трактор бригадаларида тез-тез бўлмайди, бизнинг бригадада 3 ой ичида бир марта бўлди, ярим соат ўтмай яна изига қайтди...

Шуни ҳам айтиш керакки, партия ташкилоти коммунистлар ўртасида ишлаш, партия топшириқлари бериб туриш ва уларнинг ижросини текшириш блан шуғулланмайди. Бригадаларда деворий газета, «Жанговар варақа»лар чиқарилмаётир.

МТС партия ташкилотининг қониқарсиз ишлаётганига Мирзачўл район партия комитети ҳам айблидир. Ўртоқ Холиқов секретарьликка сайлангандан буён район партия комитети унинг ишига амалий ёрдам бермаётир. Шу вақтгача МТС партия ташкилотининг иши райком бюросида муҳокама қилинмади.

Ўзбекистон КП Мирзачўл район комитети 1-нчи МТС партия ташкилотининг секретари Холиқовнинг оммадан ажралиб қолганини, амалий иш қилмаётганини ва етарли обрўга эга эмаслигини яхши биладилар. Лекин Холиқовни энг яхши ташкилотчи деб секретарьликка тавсия этган райком секретарьлари унинг ишига аралашмай қўйдилар. МТС партия ташкилоти эса КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорини қониқарсиз бажармоқда.

М. ҒОЗИЕВ.

Тошкентдаги эгар-жабдуқ ва галантерия фабрикасининг коллективи ўртасида Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига бошланган мусобақа тобора кенгайиб бормоқда. **Суратда:** фабриканинг илғор ишчиларидан **Мария Олухова** (чапдан) ва **Парахат Турсунова** ўртоқлар.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Октябрь районида

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Райондаги Маленков номли колхоз йилдан-йилга обод бўлмоқда. Бу ерда колхозчилар учун 16 та янги типдаги уй-жой, 10 та автомашина сиғадиган гараж, машиналарни ремонт қилиш учун устахона, катта отхона бинолари қурилди.

Шу кунларда янги пахтани қабул қилиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бунинг учун 3 та цементланган хирмон ва 2 та газ сушилкасининг қурилиши тез сур'атлар блан давом этмоқда.

НАМУНАЛИ КУТУБХОНА

Эски Тошкент қишлоқ совети ҳузуридаги кутубхонанинг китоб фонди ой сайин кўпаймоқда. Ҳозир кутубхона 10 минг сўмга яқин китоб фондига ва 300 дан ортиқ доимий китобхонга эга.

Кутубхона намунали жиҳозланган. Тракторчи А. Усмонов, мактаб ходими С. Турисбеков, бригадир Э. Бегматов, уй ишлари блан шуғулланучи С. Ботирова кабилар кутубхонанинг актив китобхонларидан ҳисобланади. Уларнинг ҳарбири шу йил ичида 10 дан ортиқ китоб ўқидилар.

Кутубхона мудири ўртоқ Л. Абдулазизова китобхонлар блан турли темаларда суҳбат ўтказмоқда ва лекциялар ўқиб бермоқда.

ПАХТА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПУНКТИ

Каганович номли колхоз райондаги энг илғор колхозлардан бири ҳисобланади. Колхозда 6 гектар ерга пахта қабул қилиш пункти ташкил этилиб, атрофига девор олинди ва лаборатория ҳамда 20 та бунт қурилди. Тарозулар тўла ремонтдан чиқарилди.

Пахта қабул қилиш пункти Каганович номли колхозда янгидан ўзлаштирилган ерлардаги участкаларга, Энгельс номли ва «Ўзбекистон» колхозларига хизмат қилади. Янги пункт 6000 тонна пахта ҳосили қабул қилишга мўлжалланган.

КЎНГИЛЛИ ДАМ ОЛМОҚДАЛАР

Хрушчев номли колхоз ҳузурида очилган пионерлар лагери яхши жиҳозланган. Бу ерда маданий дам олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Куйбишев номли ва Пушкин номли мактабларнинг ўқувчилари бу лагерьда кўнгилли дам олмоқдалар. Хрушчев номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Рустамов ўқувчилар блан бирнеча марта суҳбат ўтказди.

Д. СОДИҚОВ, Х. ХОЛМАТОВ.

Областимизни ёппасига радиолаштирайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизнинг моддий фаровонлигини яхшилаш блан бирга, унинг маданий талабларини қондириш тўғрисида ҳам ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизда радиотехникани ривожлантириш ва Ватанимизни ёппасига радиолаштириш соҳасида муҳим тадбирлар амалга оширилаётганлиги туфайли шаҳар ва қишлоқларимизда радио тармоқлари йилдан-йилга кенгаймоқда.

Совет ҳокимияти йилларида республикамизда, шу жумладан Тошкент областининг шаҳар ва қишлоқларида ҳамда ишчи посёлкаларида радио кенг тарқалди. Саноат корхоналари, колхоз, совхоз, МТС ва бошқа муассасаларга қарашли радиоузелларнинг сони ҳам йил сайин кўпаймоқда.

Областимизда 78 колхоз, 16 совхоз ва 2 МТСда радиоузел бор. Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли, Гулистон районидаги «Красная заря», Молотов номли, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда», Оржоникидзе районидаги Пушкин номли, Ўртачирчиқ районидаги Энгельс номли, Андреев номли колхозларда ва Паркент районидаги узумчилик совхозида радиоузеллар мунтазам равишда ишлаб турипти. Бу совхоз ва колхозларда қишлоқ меҳнаткашларининг уйиларига 200 дан тортиб 400 гача радиоточкалар ўрнатилган. Мавжуд радиоузеллар орқали қишлоқ меҳнаткашлари ҳар куни бепоён Ватанимиздаги янгиликларни, маҳаллий ахборотлар ва қишлоқ хўжалик ходимлари учун берилаётган эшитдиришларни тингламоқдалар.

Янгийўл районидаги Свердлов номли, Октябрь районидаги Каганович номли, Мирзачўл районидаги Сталин номли ва бошқа бир қатор колхозларнинг радиоузел студиясидан хилма-хил программада систематик равишда эшитдиришлар бўлади. Бу колхозлардаги радиоузел студиялари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинчлик учун, халқлар ўртасидаги қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган доно сиёсатини, совет кишиларининг моддий фаровонлигини янада ошириш ва маданий савиясини юксалтириш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигини пропаганда қилучи минбар бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек радиоузеллар орқали совет агробиология фанининг ютуқлари эшитдирилмоқда, қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибалари кенг оммалаштирилмоқда.

Бу йил Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида 400, Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида 500 точкага хизмат қиладиган радиоузел қурилмоқда.

Областимиз районларидаги кўпчилик колхозларнинг правление идораларида, қишлоқ интеллигентларининг уйида радиоприёмниклар бор. Шунингдек кўпгина колхозларнинг правление идораларида, дала шийпонларида радиоприёмниклар ишлаб турипти. Қисқа вақт ичида колхозчиларга 600 дан ортиқ «Родина» радиоприёмниги сотилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг шу йил июль ойида қабул қилган қарорига асосан Тошкент области 1954—1958 йиллар ичида ёппасига радиолаштирилиши керак.

Лекин шуни э'тироф қилиш керакки, областимизда 1954 йилги радиолаштириш планининг бажарилиши мутлақо қониқарсиз аҳволда. Бунга радиолаштириш бўйича 6 ойлик планнинг фақат 32,6 процент бажарилганлиги мисол бўлаолади. Бунинг устига мавжуд радиоузеллардан ҳам ёмон фойдаланилмоқда.

Айрим колхозларда ,масалан, Ўртачирчиқ районидаги Максим Горький номли, Карл Маркс номли, Куйбишев номли колхозларда радиоузеллардан тўла фойдаланилмаётир. Шу райондаги Ленин номли колхозда ҳам радиоузел бор. Аммо бутун колхоз бўйича фақат 3 та Р—10 маркали радиокарнай ишлайди. Ворошилов номли колхозда ҳам худди шундай.

Бўка районидаги Каганович номли колхоз қишлоғининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда. Яқин 3—4 йил ичида барча колхозчилар янги уйларга кўчиб кирдилар. Бу колхоз ўзининг кучли электростанциясига эга. Колхозда бу йил ҳашаматли клуб, мактаб бинолари ва колхоз правлениеси учун янги бино қурилди. Броқ ҳозир колхоз правлениеси ва партия ташкилоти колхозчиларнинг уйини радиолаштириш масаласи блан мутлақо шуғулланмаётир. Юқоричирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда кучли радиоузел бўлатуриб, фақат битта радиоточка ишлаб турипти. Шу райондаги 2-нчи МТСда эса 200 ўрнига атиги 10 та радиоточка ишламоқда. Юқоричирчиқ, Мирзачўл, Қорасув, Калинин, Верхне-волинск ва бошқа ба'зи районларда радуоузеллардан тўла фойдаланилмаётганлигига район ва колхоз раҳбарларининг қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш масаласига жиддий э'тибор бермаётганликлари сабаб бўлмоқда. Масалан, Қорасув район ижроия комитети 1953 йилда радиолаштириш учун ажратилган маблағни бошқа эҳтиёжлар учун сарфлаб юборган.

Район партия ва совет ташкилотлари ҳамда маданият бўлимлари меҳнаткашларнинг кун сайин ўсиб бораётган маданий талабларини қондириш учун қишлоқларимизни радиолаштириш ишига аҳамият беришлари, колхозлардаги мавжуд радиоузеллардан унумли фойдаланишга эришишлари лозим.

Шундай фактлар ҳам учрайдики, ба'зи колхозларнинг раислари, бригада бошлиқлари колхоз пулига сотиб олинган радиоприёмниклардан ўз уйларида фойдаланмоқдалар. Масалан, Бўка районидаги «Ленинизм» колхозида 11 та радиоприёмник бўлгани ҳолда, уларнинг бирортаси ҳам дала шийпонларига берилмаган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, «Ўзбекбирлашув» қишлоқ жойларига репродуктор ва батареяларни жуда кам етказиб бермоқда. Репродуктор ва батареялар етишмаганидан колхозлардаги кўпгина радиоточка ва радио установкалар ишламай турипти. Областьнинг район ва шаҳарларида радиотехниклар тайёрлаш масаласига ҳам етарли э'тибор берилмаётир. Радиотехникларнинг етишмаслиги бузилган радиоприёмниклар ва репродукторларни тузатиш ишларини қийинлаштирмоқда. Республика радиоэшитдириш конторасй (бошлиғи ўртоқ Комаров) радиотехник кадрлар тайёрлаш масаласи блан жиддий шуғулланиши ва бузилган радиоприёмник ва репродукторларни ремонт қилиш учун радиотехниклардан иборат бригада тузиб, область районларига юбориши лозим. Бу иш блан область Промсоюзи ва Маҳаллий саноат бошқармаси ҳам шуғулланиши керак.

Областьда электростанциялар тармоғининг кенгайганлиги аҳоли яшайдиган барча пунктларни радиолаштириш имкониятини беради. Яқин йиллар ичида областимизни ёппасига радиолаштиришга эришиш — область партия, совет ташкилотларининг жонажон ишидир.

Район партия ва совет ташкилотлари қишлоқларни радиолаштириш соҳасидаги мавжуд камчиликларни тезда тугатиб, идеологик тарбиянинг муҳим воситаларидан бири бўлган радиоэшитдириш ва радиолаштириш ишларига кун сайин раҳбарлик қилиб туришлари, алоқа ходимлари ва радиотехниклар тайёрлаб, уларнинг ишчанлигини оширишлари, шу блан меҳнаткашларни КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумларининг қарорларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишлари керак.

Я. ЮСУПОВ,

Область партия комитетининг инструктори.

Қурилиш ташкилотларига раҳбарлик кучайтирилсин

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети Тошкент шаҳар қурилиш тресги умумий қурилиш бошқармаси касаба ташкилотининг ишига оид масалани муҳокама қилди.

Шаҳар партия комитетининг бюроси Тошкент шаҳар қурилиш трести умумий қурилиш бошқармаси касаба ташкилоти ўз ишини ВЦСПС XI с'езди қарорлари асосида партия ва ҳукуматимизнинг уй-жой-маиший бинолар қуриш тўғрисидаги қарорларини бажаришни та'минлаш асосида қайта қурмаганлигини та'кидлади. Умумий қурилиш бошқармаси 1954 йил 5 ойлик қурилиш-монтаж ишлари планини атиги 62,3 процент бажарган.

Бошқарма ихтиёрида бўлган қурилиш механизмлари 50—55 процентгина фойдаланаётганлиги натижасида қўл меҳнати кўп сарф қилинмоқда ва қурилиш қимматга тушмоқда.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қониқарсиз аҳволда. Ишчиларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилашга тегишли даражада э'тибор берилмаётир. Кўп ишчилар ётоқхона блан та'минланмаган. Бор ётоқхоналар жиҳозланмаган ва санитария талабларига жавоб бермайди.

Қурилиш участкаларида ошхона, буфетлар йўқ, хатто қайноқ сув ҳам тайёрлаб қўйилмайди. Коллектив шартноманинг мазмунидан ишчилар хабардор қилинмаган.

Коллектив шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни ҳар икки томон ҳам тўла бажармаётир. Қурилишда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Кейинги вақтда ишга кечикиб келиш ҳодисалари рўй бермоқда. Ишчиларнинг қўнимсизлиги авж олмоқда.

Касаба ташкилотининг қурилиш комитети ишчиларни юксак меҳнат интизоми, коммунистик онг руҳида тарбиялашга э'тибор бермаётир ва уларнинг иш унумини ошириш, қурилиш ишлари таннархини камайтириш ҳамда давлат планларининг бажарилишини та'минлашга сафарбар этмаётир.

Қурилиш участкаларида социалистик мусобақа ташкил этилмаган. Қурилиш комитети айрим ишчиларнинг яхши ташаббусини қўллаб-қувватламаётир. Маданий-оммавий ишлар юксак даражага кўтарилмаган. Бу масалада бор воситалардан фойдаланилмаётир.

Клуб ишламаётир. Ишчилар ўртасида лекция, докладлар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилмаётир. Қурилиш участкаларида кўргазмали агитация йўлга қўйилмаган. Қурилишларда анчагина хотин-қизлар ишлаётган бўлсалар ҳам улар ўртасида ҳечқандай иш олиб борилмайди.

Шаҳар партия комитетининг бюроси уй-жой коммунал хўжалик ходимлари касаба союзининг республика комитети қурилиш комитетига раҳбарлик қилмаётганлиги, маданий оқартув ишларини йўлга қўйишда унга ёрдам бермаётганлигини ҳамда ишчиларга тегишли уй-жой ва маиший шароит яратишга э'тибор бермаётганлигини та'кидлади.

Тошкент шаҳар қурилиш тресги умумий қурилиш бошқармасининг бошланғич партия ташкилоти қурилиш комитетининг ишига яхши раҳбарлик қилмаётир ва касаба союз ишини йўлга қўйишга эришмаётир.

Шаҳар партия комитетининг бюроси Ленин район партия комитети бошқарма бошланғич партия ташкилотининг ишига етарли раҳбарлик қилмаётганлигини, партия ташкилотининг ишида катта камчиликлар борлигига йўл қўйиб келаётганлигини, оммавий-сиёсий ишларни уюштиришга яхши э'тибор бермаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Шаҳар партия комитетининг бюроси шаҳар қурилиш трести умумий қурилиш бошқармаси бошланғич партия ташкилотининг ва хўжалик раҳбарларининг ишини ҳамда касаба союз ишларини яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгилади.

Шаҳар партия комитети қурилиш бошқармасига партия ва касаба союз ташкилотлари ишини яхшилашга ёрдам бериш учун бир группа ўртоқларни юборди.

Комсомолларнинг ёрдами

Бекобод шаҳридаги Сталин номли ўрта мактабнинг комсомол ва ёшлари ем-хашак тайёрлашда колхозчиларга амалий ёрдам бермоқдалар.

Яқинда мактаб комсомоллари Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозга бориб 100 тоннадан ортиқ беда ва хашак ўриб бердилар.

М. Сариқулов.

Ўқувчи агитаторлар

Оржоникидзе районидаги 32-нчи мактабнинг комсомол-ўқувчиларидан С. Жиянбоев, Қ. Собитов, А. Акбаров, Ю. Юсуповлар колхозчилар ўртасида агитация-пропаганда ишларини яхши олиб бормоқдалар. Улар Маленков номли колхознинг дала шийпонларида турли темаларда суҳбат ўтказиб, жанговар варақалар чиқаришга ёрдам бермоқдалар. Комсомол агитаторлар яқинда шу колхознинг 6-нчи бригадасида бўлиб, дам олиш вақтида «Октябрь социалистик революцияси хотин-қизларга нима берди» деган темада суҳбат ўтказдилар.

Бу агитаторлар колхозчилар ўртасида партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги қарорларини тушунтириб, колхозчиларни пахтадан мўл ҳосил олишга сафарбар этмоқдалар.

М. Зокиров.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Чақалоқлар сўрғичини қаердан олиш мумкин?"

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 10 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида редакция почтасидан материал босилиб, унда Тошкент шаҳар магазин ва аптекаларида чақалоқлар сўрғичи йўқлиги кўрсатилган эди.

Тошкент шаҳар савдо бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Исломовнинг редакциямизга билдиришича, хабарда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Шаҳар савдо шахобчалари ва аптекаларига чақалоқлар сўрғичини кўплаб келтириш учун зарур тадбирлар белгиланган.

Ҳарбир корхонанинг давлат планларини тўла ва ошириб бажаришига эришайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимиз экономикаси ва кучқудратини янада юксалтиришга қаратилган бирқанча тадбирларни амалга оширмоқда. Тошкент областидаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларига амал қилиб, бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар.

Областимиз корхоналари ўзаро социалистик мусобақа асосида ишлаб 6 ойлик давлат планини ялпи маҳсулот бўйича 104 процент, июль ойи топшириғини эса 100,6 процентга етказиб адо этдилар. 1954 йилнинг биринчи ярмида саноат ишлаб чиқарган ялпи маҳсулот ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 процент кўпайди.

1954 йилнинг ўтган даври худди аввалги йиллардагидек оғир ҳамда кенг исте'мол моллари ишлаб чиқарувчи саноатни янада ривожланиш ва ўсиш даври бўлди. Саноат корхоналари коллективлари партия ва ҳукуматимизнинг меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданий юксалишини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларидан илҳомланиб, ишлабчиқаришда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар.

Область корхоналарининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари бепоён Ватанимиздаги барча меҳнаткашлар блан бирга мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини борган сари камайтириш ва совет фани ҳамда техникасининг сўнгги ютуқларига асосланган ҳолда хўжаликдаги мавжуд резервлардан янада унумлироқ фойдаланиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ўтган ярим йил ичида кўпгина корхоналар ва бутун бир саноат соҳалари 6 ойлик пландан ташқари кўп миқдорда турли маҳсулот ишлаб чиқардилар. К. Е. Ворошилов номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коллективи 6 ойлик топшириқдан ташқари мамлакатимиз халқ хўжалиги учун бирнеча миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб берди.

Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг меҳнатсевар коллективи республикамизнинг шонли 30 йиллиги юбилейи муносабати блан йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш ва йил охиригача пландан ташқари бирнеча минг тонна пўлат ва бирнеча минг тонна прокат ишлабчиқариш ҳақида мажбурият олган эди. Ўзбекистон металлурглари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф блан бажармоқдалар. Завод коллективи 6 ойлик программани 108,3 процентга етказиб адо этди. Ишлабчиқариш технологиясини янада такомиллаштириш натижасида меҳнат унуми шу давр ичида 8,2 процент ошди.

Мартен цехининг коллективи, айниқса, яхши натижаларга эришди. Бу ташаббускор коллектив хомаш'ё ва ёрдамчи материалларни кўплаб тежаш учун системали кураш олиб боришлари натижасида 2056 тонна чўян, 74 тонна қуйма иқтисод қилинди. Ишлабчиқариш илғорлари москвалиликларнинг меҳнат унумини янада ошириш ҳақидаги ташаббусига қўшилиб юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. 1953 йилда печьнинг ҳарбир квадрат метридан 6,10 тонна пўлат олинган бўлса, 1954 йилда бу рақам 6,57 тоннани ташкил қилди. Шу йилнинг ўтган даври ичида Убайдиллаев, Ярулин, Бадалов каби илғор пўлат эритучилар 708 марта тезкорлик усулида пўлат эритдилар.

Шунингдек, ярим йил ичида Тошкентдаги Охунбобоев номли 1-нчи пахта тозалаш заводи ва бошқа бирқанча илғор корхоналар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф блан бажардилар. Тошкент ҳамда Урсатьевск темир йўл бўлимларининг коллективи ҳам юк ортиш ва юк тушириш юзасидан берилган давлат топшириқларини муддатидан илгари адо этдилар.

Социалистик мусобақани ҳартомонлама кенг қулоч ёйдириш асосида қўлга киритилган бу ютуқлар ва муваффақиятлар областимиз саноатини тинмай ўсиб ва ривожланиб бораётганлигини кўрсатучи ёрқин далилдир.

Аммо шу блан бир қаторда бирқанча корхона коллективлари 6 ойлик программаларини бажармадилар ва давлат олдида анчагина қарздор бўлиб қолдилар. Чунончи, 142 та иттифоқ, республика ҳамда маҳаллий-кооператив корхоналари ярим йиллик топшириқни бажармадилар ва қишлоқ хўжалиги ҳамда аҳоли учун зарур бўлган турли хилдаги маҳсулотларни планда кўрсатилгандан 81,5 миллион сўмлик кам бердилар.

Ҳали ҳам айрим корхоналар, айниқса қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари қониқарсиз ишламоқдалар. Матбуотда «Ўзбексельмаш» ва «Чирчиксельмаш» заводларининг ёмон ишлаётганликлари бирнеча марта танқид қилинган эди. Аммо завод раҳбарлари ва партия ташкилотлари шу вақтгача бу танқиддан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмадилар.

«Ўзбексельмаш» заводи биринчи ярим йилда планда кўрсатилганидан 300 та сеялка, 602 та пуркагич кам ишлабчиқарди. Заводда ишлабчиқариш технологияси ғоят даражада паст бўлганлигидан кўплаб бракка йўл қўйилади. Айниқса янги машиналарни ўзлаштириш ва уларни кўплаб ишлабчиқаришга тайёргарлик кўриш ишлари ёмон уюштирилган.

Шунингдек, «Чирчиксельмаш» заводи ҳам ўтган вақт ичида пландагидан «НКУ—2,8» маркали культиватордан 258 ва «КРН» маркали культиваторлардан 400 дона кам берди. Бу йил завод пахтани чеканка қилучи ва кўрак теручи машиналарни ишлабчиқаришни ўзлаштириши керак. Аммо бу жуда муҳим ишга ҳалигача кўнгилдагидек тайёргарлик кўрилмаётир.

Бундай камчиликларни юз беришига, кўпинча юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Броқ автомобиль транспорт ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги бу соҳада корхоналарга ёрдам бермаётир.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг корхоналари, айниқса, қониқарсиз ишламоқда. Бу министрликнинг областимиздаги 11 корхонасидан 9 таси 6 ойлик планини бажармади. Бундай аҳволнинг юз беришига корхоналарни юқори малакали кадрлар блан яхши та'минланмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Гўшт комбинатлари директорларининг биронтаси ҳам махсус билимга эга эмас. Лекин Министрлик (министр ўртоқ Умаров) амалий ёрдам бериш ва бу корхоналардаги аҳволни яхшилаш учун ҳечқандай қайғирмаётир.

«Ўзбекуголь» тресги 6 ойлик планни ортиғи блан бажарди. Трест ва Ангрен шаҳар партия комитетининг раҳбарлари қўлга киритилган муваффақиятлардан эсанкираб, ишлабчиқаришга раҳбарликни бўшаштириб юбордилар. Натижада трест коллективи июль ойида мамлакатга пландагидан 14000 тонна кам кўмир берди.

Юқоридаги камчиликлар аввало, корхоналарда илғор иш методларини ишлабчиқаришга кўплаб жорий қилиш, ишлабчиқаришни рационал ташкил этиш, оғир иш процессларини, айниқса кўп меҳнат талаб этадиган ишларни механизациялаш, автоматлаштириш ишларига етарли э'тибор бермаслик натижасида юз бермоқда. Натижада саноат корхоналарининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари даражаси пасайиб кетмоқда, мавжуд механизм ва асбоб-ускуналардан, хомаш'ё ҳамда ёрдамчи материаллардан, ҳарбир корхонанинг ички резервларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Областимиздаги қурилиш ташкилотлари ҳамон ёмон ишламоқдалар. Биронта ҳам қурилиш ташкилоти планда кўрсатилган қурилиш-монтаж ишларини ўз муддатида бажармаётир. Бу соҳада йиллик планнинг атиги 35 проценти бажарилди, холос. Мактаб, касалхона, болалар боқчаси ва болалар яслилари қурилиши, айниқса секин кетмоқда. Қурилиш участкаларидаги механизмлардан ва транспортдан унумли фойдаланилмаётир.

Уй-жой қурилиши йиллик плани шу кунгача областимизда 30 ва Тошкент шаҳрида эса 27 процент бажарилди.

«Таштекстильмаш» заводида (директори ўртоқ Проскуряков) бу йил бир квадрат метр ҳам уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилгани йўқ. Тошкент текстилькомбинати (директори ўртоқ Комков) уй-жой қурилиши йиллик планини атиги 15 процент бажарди. 224, 225, 227-нчи УНР ва бошқа қурилиш ташкилотлари қониқарсиз ишламоқдалар.

Жут-каноп заводларининг қуриш ишлари ҳам ғоятда судралиб кетмоқда. Аммо бундай аҳвол «Узстройтрест» бошлиғи Чарквиани ва Главлуб бошлиғи Нусратов ўртоқларни ҳечбир ташвишга солмаётир.

Қурилиш ташкилотларининг қониқарсиз ишлаётганликлари, меҳнатни ёмон уюштириш, механизмлардан унумли фойдаланилмаслик ва қурувчилар ўртасида социалистик мусобақани яхши йўлга қўймаслик оқибатида юз бермоқда.

Областимиздаги кўпгина корхоналар, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг ишида рўй бераётган камчиликларнинг сабаби шундан иборатки, район ва шаҳар партия комитетлари корхоналарнинг ишлари устидан бўлган контролликни бўшаштириб юбордилар, муҳим масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш ишига совуққонлик блан қарадилар, олға қараб ҳаракат этишимизда қудратли куч бўлган социалистик мусобақани уюштириш ва унга раҳбарлик қилишга етарли э'тибор бермаётирлар.

Айрим партия ва касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари кадрлар блан ишлаш, уларнинг малакасини ошириш ишига кам э'тибор бермоқдалар. Корхоналарга, айниқса машинасозлик саноатига маҳаллий кадрларни кўплаб жалб қилиш ва уларни ишлабчиқаришда актив иштирок этдириш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари корхона коллективлари олдига саноат маҳсулотларини, айниқса қишлоқ хўжалиги учун энг зарур турли хил машиналар ва минераль ўғитлар ишлабчиқаришни кескин суратда кўпайтириш вазифасини қўйди. Аҳоли кенг исте'мол қиладиган молларнинг ассортиментини янада кўпайтириш, сифатини тинмай яхшилаб бориш ва маҳсулот таннархини узлуксиз камайтириш керак. Корхоналардаги ички резервлардан унумли фойдаланиб, меҳнат унумини ошириш ва шу асосда мамлакатга пландан ташқари кўплаб юқори сифатли маҳсулотлар етказиб беришга эришмоқ лозим.

Енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ассортиментини кўпайтириш блан бир қаторда уларни чиройли, пишиқ ва бежирим бўлишига алоҳида э'тибор беришлари керак.

Область саноат корхоналарининг ўз олдиларида турган жуда катта вазифаларни муваффақият блан бажаришлари учун район ва шаҳар партия комитетлари бу корхоналарга раҳбарлик қилиш усулини янада такомиллаштиришлари, социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб юборишлари, ишимизда юз бераётган мавжуд камчиликларни кенг активларга суянган ҳолда қисқа вақт ичида бартараф қилишлари керак.

И. БУРНАШЕВ,

Область партия комитети саноат ва транспорт бўлими мудирининг ўринбосари.

Ғўзаларни сифатли парвариш қилиш блан бирга пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриш ишларини ҳам кучайтириб юборайлик!

☆ ☆

Ғўзаларнинг ривожи ҳам, ҳосили ҳам яхши эмиш...

БЕКОБОД. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Сўнгги кунларда Бекободда ғўза парвариши соҳасида бўшашувчилик кайфияти яққол кўринабошлади. Айрим колхоз раислари, МТС директорлари «ғўза парвариши тамом бўлди, суғориб турилса бас, ғўзаларнинг ривожи ҳам, ҳосили ҳам яхши, планни қойил қилиб ташлаймиз» деган кайфиятда август — ҳосилга-ҳосил қўпиш ойи эканини, ғўза парваришини эра тўхтатмай олиб бориш кераклигини унутиб қўймоқдалар. Шу зарарли кайфият натижасида ғўза парвариши ниҳоятда бўшашиб кетди. Жумладан, иккинчи МТС зонасидаги колхозларда август ойининг биринчи 5 кунлигида графикда кўрсатилган 505 гектар ердаги ғўза чопиқ қилинмади, 755 гектар ердаги ғўза суғорилмай қолди. Трактор культивацияси ҳам бажарилмади.

Тўғри, районда Джержинский номли колхознинг Оллоберганов, Ленин номли колхознинг Пармонов, «Қизил пахтакор» колхозининг Қўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадалари сингари кўпгина илғор бригадалар борки, улар фидокорона меҳнат қилиб пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини тўхтовсиз давом этдириш блан яхши натижаларга эришмоқдалар. Бундай илғор бригадаларни ҳамма колхозларда кўрсатиш мумкин, аммо илғорларнинг ҳозир ғўза парвариши соҳасида олиб бораётган ишлари ҳамма колхоз ва бригадаларда ҳам амалга оширилмоқда, деб бўлмайди.

Агар сиз колхоз раислари, МТС директорлари блан суҳбатлашиб қолгудай бўлсангиз улар бир оғиздан «август муҳим ой, августда ишлаб қолмаган пахтакор ғафлатда қолиб аттанг деб юради» дейдилар. Аммо улар ўзларининг мана шу сўзларига ўзлари амал қилмаётирлар. Жумладан, ўртоқ Файзи Норқулов раис бўлган «Большевик» колхозида 140 гектардан ошиқ ерда паст ғўза бор. Лекин олиб борилаётган иш мутлақо қониқарсиз. Қосимов ҳосилот советининг раиси бўлган колхознинг иккинчи участкасида айниқса аҳвол оғир. Шунга қарамай бу ерда ғўза парвариши бўшаштириб юборилган. Тошмурод Холбоев бошлиқ 7-нчи бригаданинг 3 гектар ердаги ғўзаси ҳали ҳосилга кирмаган. Турсунқул Абдуқодиров бошлиқ 8-нчи бригадада эса, аҳвол бундан ҳам ёмон. Бу бригадада 25 гектар ердаги ғўза парвариш қилинмай қўйилган. Шунга қарамай бу ерда сўнгги вақтларда меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Ишлаш лозим бўлган 44 кишидан ҳозир фақат 18—20 киши ишга чиқмоқда. Паст, ўсишдан орқада қолган ғўзаларни қўшимча озиқлантириш тадбирлари кўрилмаётир. «Большевик» колхозининг бошқа бирқатор бригадаларида ҳам шу каби аҳвол давом этмоқда. Биринчи МТС бу колхозда тракторларнинг нормал ишлашини та'минламаётир. 7-нчи бригада саройида бир трактор 15 кундан бери бузилиб ётибди. Иккинчи трактор тузук бўлгани ҳолда «ер йўқ» деб анчадан бери бекор қолдирилмоқда.

Шу кунларда айниқса тракторларнинг бекор туриши, ишлатилган тракторларда белгиланган норманинг бажарилмаслиги кўпроқ учрайбошлади. Иккинчи МТС (директори ўртоқ Ҳасанов) зонасидаги Будённий номли колхозда 9 августда 4 трактор бекор турди. «Социализм» колхозида кейинги ўн кунликда культивация плани 70 процент, Каганович номли колхозда 65 процент бажарилди, холос. Бу колхозларда ишлаб турган тракторчилар ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетганидан тракторлар кўп вақт бекор турмоқда. 10 августда «Социализм» колхозида 8 та трактор ярим кун ишламади. Тракторчилар ишни кеч бошлайдилар. «Социализм» колхозининг раиси ўртоқ Исабоев кейинги вақтларда хотиржамлик кайфиятига берилиб кетиб ғўза парваришини бўшаштириб юборди. Иш устидан контрольлик қилмай қўйди. Меҳнат интизоми бўшашиб кетди. Колхозчилар ишга кеч чиқиб, эрта қайтадиган, кунлик иш нормасини бажармайдиган бўлиб қолдилар. Шунинг натижасида 30 гектар ердаги ғўзани гумай, қиёқ каби ёввойи ўтлар босиб кетган. Ғўзалар сифатсиз суғорилаётганидан карталардаги ғўзалар олатароқ бўлиб қолган.

Бундай бўшашувчанлик кайфияти Будённий номли колхозда ҳам ҳукм сурмоқда. Колхознинг 100 гектардан ортиқ ердаги ғўзалари яхши ривожланмагани ва ўт босиб кетгани ҳолда бу камчиликларни тугатиш учун жиддий иш қилинмаётир. Июль ойида бу колхозда ғўза парвариши яхши уюштирилганидан бирқанча ердаги паст ғўзалар олдинги ғўзалар қаторига етказиб олинган эди. Аммо август ойида ғўза парвариши бўшашиб кетди. Колхозчиларга иссиқ овқат қилиб бериш ҳам тўхтаб қолган. Қарийб 40 — 50 процент колхозчи ғўза парваришига қатнашмай қўйган. Ишчи кучларини ғўза парваришига тўла сафарбар қилмаслик деярлик ҳамма колхозларда бор. Айрим колхоз раислари илғор бригадалардаги яхши ва очилабошлаган биттаиккита чаноқларни кўриб, паст ғўзаларни алоҳида парвариш қилишни унутиб қўйганлар. Ҳозирги ғанимат кунлардан ғўза парваришида яхши фойдаланилмаётир.

Молотов номли колхозда ғўзани чеканка қилиш агротехника қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда, жуда сифатсиз ўтказилган. Ғўзаларнинг ён шохлари чеканка қилинмай ташлаб кетилган. Бу колхозда культивация ҳам ниҳоятда сифатсиз ўтказилаётир. Айниқса Жўлиев бошлиқ бригадада культивация ёмон ўтказилмоқда. Ёш ғўзаларни ажратиб парвариш қилиш ишига Молотов номли колхоз раиси Усмонов мутлақо э'тибор бермай қўйган. МТС ва колхоз раҳбарлари ғўзани чеканка қилиш ишига жиддий э'тибор бермасликлари натижасида чеканка кечиктириб юборилди. Молотов номли, Маленков номли колхозларнинг айрим бригадаларида аллақачон чеканка қилиниши лозим бўлган ғўзалар чеканка қилинмаган. Сталин номли колхозда бу муҳим ишга ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қаралганидан Қурбонов бошлиқ бригадада чеканка қилиш ўрнига ғўза шохлари учидаги шоналар юлиб ташланган. Колхоз раиси Қораболев, агроном Давидов ўртоқлар чеканкани тўғри ўтказиш учун раҳбарлик қилмаганлар. 1-нчи МТС директори ўртоқ Икромов ғўза парваришининг энг мас'улиятли даврида агроном Давидовга отпуска бериб юборган. Бундан ташқари колхозда трактор бригада механиги йўқлигидан кўп тракторлар тўхтаб қолмоқда.

Айрим колхозлардаги тракторчилар ғўзалар ҳосилга кирган вақтда культивация қилиш жуда мас'улиятли иш эканлигини унутиб қўймоқдалар. Мичурин номли колхознинг 5-нчи бригадасида тракторчи Тошбоев айрим вақтларда ғўзаларни нобуд бўлишига йўл қўймоқда.

Бекобод районида ҳукм сураётган бўшашувчанлик, хотиржамлик кайфияти натижасида юз бераётган бу хилдаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин район раҳбарлари бу зарарли кайфият ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатиб, унга қаттиқ зарба бермаётирлар. Колхозларда ғўза парваришини бўшаштириб юборган 1-нчи МТС директори Илҳом Икромовга, МТСнинг бош агрономи К. Чмихало, 2-нчи МТС директори Ҳасанов ўртоқларга нисбатан муросасозлик блан қараб келмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ.

Чиноз район МТСининг механик-ҳайдовчилари бу йил 3300 гектар ердаги пахтани машина блан терадилар. Шундан 2700 гектар ерда иккинчи теримни ҳам машина блан утказадилар. Ҳозир МТСда пахта териш машиналарини ремонтдан чиқарган механик ўртоқ **И. Расулов** тайёр машинани контроль механиги ўртоқ **У. Сафаровга** (чапда) топшираётир.

Н. Душкин фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Мавсумга тайёргарлик суст

Ўртачирчиқ районидаги Кучлик ва Чигириқ пахта пунктларида мавсумга тайёргарлик ишлари жуда суст бормоқда. Бу пунктлар хизмат қиладиган колхозларда тарозиларни ремонт қилиш тугаллангани йўқ. Пахтани бунт қиладиган майдончалар ҳам ремонтдан чиқарилмаган. Пункт мудири Бекалиева ва Шокиров ўртоқлар мавсумга тайёргарлик ишларини уюштиришда пассивлик кўрсатмоқдалар. Пункт хизматчиларини ва ишчиларига яхши шароит туғдириш учун етарли ғамхўрлик қилинмаётир, турар жойлар ва қўшимча бинолар ремонтига киришилмаган.

Ўтган йили Сергели станциясида янги пахта пункти ташкил қилинган эди. Темир йўл узели яқинида бўлган бу пунктни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Лекин пункт ташкил қилинганидан буён бу ерда янги бинолар қурилмаган. Пункт автомат тарози ва бошқа асбоб-ускуналар блан тўла та'миналанмаган. Пахтани бунт қилиш учун алоҳида майдончалар ажратилмаган. Тошкент пахта тозалаш заводининг раҳбарлари ва область пахта тайёрлаш трестининг бошлиғи ўртоқ Нурмуҳамедов Сергели пахта пункти ишини яхшилашга яқиндан ёрдам бермай келмоқдалар.

Ўртасарой пахта тайёрлаш пунктида ҳам тайёргарлик ишлари жуда ёмон. Пункт мудири ўртоқ Манбетов иш айни қизғин вақтида отпускага чиқиб кетган.

Ўртачирчиқ ва Ўртасарой район ижроия комитетлари пахта пунктларини мавсумга ўз вақтида тайёрлаш ишига жиддий э'тибор бермаётирлар. Район раҳбарлари янги ҳосилни ўз вақтида қабул қилиб олишга тайёргарлик ишига яқиндан раҳбарлик қилишлари керак.

Т. ОРИПОВ.

Икки бригадада икки хил иш

Оққўрғон районидаги Сталин номли колхоз правлениеси барча бригадаларда ишнинг бир текисда яхши боришига э'тибор бермаётир.

Ўртоқ Турманов бошчилик қилаётган 4-нчи бригада а'золари ўзларига қараштли бўлган 75 гектар ердаги ғўзани ҳар тарафлама сифатли парвариш қилиб, ҳар гектардан 31 центнердан ҳосил бериш мажбуриятларига яраша меҳнат қилмоқдалар. Бу бригаданинг 42 кишидан иборат а'золари бир кун ҳам ишдан қолмайдилар, кунлик иш нормаларини доим сифатли қилиб ало этиб келмоқдалар. Бригадада июль ойида ғўзаларга минерал ўғитдан ташқари суюлтирилган ҳолда маҳаллий ўғит ҳам солинган эди. Август ойида озиқ моддаларни ўсимликка сингдириш учун бирқанча қўшимча ишларни қилиш талаб этилади. Августда ғўзалар керагича суторилиши блан, қатор оралари яна ишланади ва айрим жойларда кетман чопиғи ҳам қилинади. Чопиқдан мақсад, бегона ўтни йўқотиш ва шу блан бир қаторда пахтаси машина блан терладиган карталардаги ғўза тупларини тиқлаш, остига тупроқ босиб қўмлаб кетишдан иборат.

Бригада а'золари айрим участкаларда зовурларни тозалаш ва чуқурлашга ҳам киришдилар. Чунки зах ерларда сизот суви пастга туширилмаса кўсакларнинг пишиши кечикади.

Бригадада звено принципи тўғри амалга оширилган. 4 та звено ўз экинига эга, ҳарбир звено ўз экини учун жавобгар ва унинг ҳосилидан манфаатдор. Звено бошлиқлари ҳарбир колхозчи ва ҳарбир механизаторнинг ишини доим назорат қилиб турадилар. Бригадада меҳнат тўғри уюштирилганлиги учун ғўзалар мўл ҳосил тутмоқда.

Энди Сталин номли колхознинг Х. Умаров бошлиқ бўлган 4-нчи бригадасига келсак тамом бошқача аҳволни кўрамиз. Бу бригадада ғўзалар яхши парвариш қилинмаётир. Бригадада меҳнат тўғри ташкил этилмаганлиги учун а'золар ўртасида интизом бўшашиб кетди, звено принципи қўпол равишда бузилди. Масалан, бригадага бириктирилган 65 кишидан дала ишларига 40—45 киши чиқади. Қолганларининг кўпи иккинчи даражали ишлар блан овора ва ба'зилари прогул қилиб юради. Шунинг учун бригада ғўзалари ёмон ривожланмоқда, ҳозирги кунларда сувдан қолдирилаётир. Айниқса бригаданинг 38 гектар ердаги ғўзаси ривожланишдан жуда орқада қолди. Бу ғўза вақтида яхши парвариш қилинмади, қўшимча озиқланмади, сувдан қолди. Д. Файзиев, М. Баратов, Д. Ҳатамов звеноларида ғўзалар чанқаб қолган, уларнинг гул, кўсаклари тўкилиб кетмоқда. Бригада бошлиғи Х. Умаров бунга э'тибор қилмайди. Звено бошлиқлари эса мас'улият сезмайди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети III пленуми қарорига биноан колхознинг кўпчилик бригадаларига қишлоқдаги ишга яроқли аҳолидан ўнлаб киши жалб этилди. Аммо 4-нчи бригада фақат 3 киши берилди. Қисқаси бу бригадада бу йилги ҳосилнинг таҳдири хавф остида қолмоқда. Бу ҳол колхоз раҳбарларини ташвишга солмаётир. Улар колхознинг илғор бригадаларидаги ишни кўриб ҳотиржам бўлиб юрипдилар. Эҳтимол улар илғор бригадалар ҳисобига планни бажариш умидида қолоқ бригададан кўз юмаётгандирлар. Раҳбарликнинг бундай усулига қаттиқ зарба берилиши керак. Бригадаларда ишнинг ҳархил бориши район раҳбарларининг колхоздаги ҳаёт блан таниш бўлмаганликларини кўрсатади.

Оққўрғон район партия, совет ташкилотлари, МТС раҳбарлари колхозлардаги аҳвол блан чуқур танишишлари, бригада, звеноларнинг ишини мустаҳкамлаш тадбирини кўришлари керак.

У. МУСОҚОВ.

Пахтани машина блан теришга тайёрланмоқдалар

МИРЗАЧЎЛ. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Каганович номли колхоз а'золари ўтган йили йиғим-теримга пахта тайёргарлик кўриб, 200 гектар ердаги пахтани районда биринчи бўлиб машинада териб олган эдилар. Машина блан терилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Янги ерларнинг ҳар гектаридан 25 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олган Каганович номли колхоз а'золари бу йил ҳам август ойида ғўза парваришини қизғин давом этдириб йиғим-теримга пахта тайёрланмоқдалар. Колхозчиларнинг яқинда бўлган йиғилишида ҳосилнинг 50 процентини машина блан териб олишга қарор қилинди. Механик-ҳайдовчилар эса ҳарбир пахта териш машинаси блан камида 60 тоннадан пахтани териб бериш мажбуриятини олдилар.

— Бу йил, — дейди колхоз раиси ўртоқ Эргашев, — колхозимиз далаларида 10 та пахта териш машинаси ишлайди. 380 гектар ердаги пахтани машина блан териб олишимиз керак. Йиғим-теримни тез ва уюшқоқлик блан ўтказиш учун ҳозирдан пахта тайёрланмоқдамиз. Пахтаси машина блан терилади-ган участкаларда ғўзаларнинг баргини сунъий равишда тўкишга катта аҳамият берамиз. Августнинг охиридан бошлаб ғўза баргларини дорилашга киришамиз. Бунинг учун керакли дориворлар келтирилиб қўйилди, ҳосили машина блан терилади-ган пайкаллар белгиланди.

Колхозда 2 та газ сушилкаси ремонтдан чиқарилмоқда. Отлар боқувга қўйилди, кўча ва кўприклар ремонт қилинмоқда.

Райондаги Ленин номли, Шверник номли, Васнлевский номли, «Коммуна» колхозларида ҳам ғўза парвариши пахта йиғим-теримига, айниқса машина блан пахта теришга тайёргарлик кўриш ишлари блан боғлаб олиб борилмоқда.

Илғор чорвадорлар Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига жўнаб кетдилар

Илғор чорвачилик хўжаликларининг иш тажрибалари блан танишиш мақсадида областимиздан виставка қатнашчиси қилиб тасдиқланган бир группа чорвадорлар ва отбоқарлар Москвага, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига жўнаб кетдилар.

Булар орасида Калинин районидаги Сталин номли колхознинг наслдор қорамолчилик фермасининг мудири ўртоқ Жалил Тўлаганов бор. Бу фермада сўнгги икки йил ичида 143 соғин сигирнинг ҳарбиридан 2810 килограммдан сут соғиб олишга эришилган. Шунингдек, виставкага ўтган йили ўзига бириктирилган ҳарбир соғин сигирдан 3571 килограмм сут соғиб олган шу колхознинг илғор сут соғучиси ўртоқ Н. Муҳитова ва 2442 килограмм сут соққан ўртоқ Музаффарова ҳам жўнаб кетдилар.

Виставкага жўнаб кетганлар ичида ўзига бириктирилган молларни меҳр блан парвариш қилиниши натижасида ҳарбир соғин сигирдан 3567 килограммдан сут соғиб олинишини та'минлаган шу колхознинг ишчан молбоқари ўртоқ Эргаш Алимбетов ҳам бор.

Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозидан виставкага ўзига бириктирилган ҳарбир урғочи чўчқадан йилига 20 тадан чўчқа боласи ўстиришга эришган шу колхознинг чўчқабоқари М. Е. Кириченко, 46 бош сигир ва ғуноҳиндан йилига 49 тадан бузоқ ўстираолган молбоқар С. П. Федосеев ўртоқлар жўнаб кетдилар.

Паркент районидаги Калинин номли колхоздан виставкага колхоз йилқичилик фермасининг мудири ўртоқ Ботир Йўлдошев кетди. У ферма бўйича ҳарбир 100 биядан 85 тадан қулун олинишини та'минлайолган.

Шунингдек 15 биядан 15 қулун олишга эришган шу райондаги «Коммуна» колхозининг отбоқари А. Яҳ'ёев ҳам виставкага кетди.

Тошкент районидаги Ленин номли колхоздан виставкага экскурсиячи сифатида йилқи боқар ўртоқ Р. Абдурахмонов юборилди.

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Ғўзани августда барги орқали озиқлантирайлик

Республикамиз пахтакорлари бу йил давлатга 3 миллион тонна пахта топширишлари керак.

Бу муҳим вазифани бажаришда янада такомиллашган — ҳосилни оширишни, уни эрта етилтиришни та'мин этадиган ва пахтачиликдаги барча ишларни комплекс механизациялаштиришга ва пахтани машина блан теришга имкон берадиган агротехникани қўлланиш ғоят катта аҳамиятга эга.

Пахтачилик агротехникаси илмий муассасалар, мутахассислар ва илғор пахтакорлар томонидан ишланиб чиқилган янги усуллар блан анча бойитилди. Республикамизнинг кўпгина колхоз ва совхозлари илғор агротехника тадбирларини тўғри амалга ошириб ҳар гектар ерда 35—40 центнер ва ундан ҳам кўп ҳосил етиштирмоқдалар. Агар пахта далаларида фаннинг барча янги ютуқлари ва илғор тажрибалар тўла қўлланилса, пахта ҳосилини янада ошириш мумкин бўлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қишлоқ хўжалик институти беш йил давомида олиб борилган текширишлар асосида ғўзани ҳосилга кирган даврида баргидан озиқлантириш каби янги агротехника усулини ишлаб чиқди. Ғўзалар баргидан озиқлантирилганда ерга ҳайдаш олдидан ва ғўзанинг ўсув даврида солинган ўғитдан ташқари яна ўсимликка сиртдан суперфосфат чанглатилади ёки пуркалади.

Бу тадбир ғўзанинг ҳосилга кирган даврида суперфосфатдан анча самарали фойдаланишга имкон беради — суперфосфат ўсимлик тўқимаси ва органларига тез ва тўла сингади.

Ўсимликка сингган суперфосфат фақат озиқина бўлиб хизмат қилмайди, балки у ўсимликда кечаётган физиологик ва биохимик процессларга ҳам та'сир қилади. Натижада ўсимликда уруғланиш процесси яхшиланади, ривожланиши тезлашади, кўсаклар йириклашиб, улар эрта муддатларда пишиб етилади, ҳосил мўл бўлади, толанинг технологик хусусияти, чигитнинг сифати яхшиланади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қишлоқ хўжалик институтининг ишлабчиқариш шароитида ўтказган бир қатор тажрибалари, ғўза барги орқали озиқлантирилганида ҳар тупдаги кўсакларнинг 2—3 та ошганини, кўсаклар вазнининг 0,3—0,5 грамм оғир бўлганини, пахтанинг 6—8 кун эрта пишганини ва ҳосил 10—25 процент кўпайганини кўрсатди.

Ғўзани барги орқали суперфосфат блан озиқлантиришнинг ғўза барглариии тўкиш учун ишлатилган цианамид кальций та'сирини ошириганлиги ҳам ма'лум бўлди. Масалан, барг орқали фосфор блан ўғитланмаган ғўзаларнинг цианамид кальций блан дорилаш натижасида 84,4 процент барги тўкилгани ҳолда, барг орқали фосфор блан ўғитланган ғўзаларнинг 96,6 процент барги тўкилган.

1951 йилда фосфор блан барги орқали ўғитланган ғўзанинг ҳосили 10 процент ошганлиги кўрилган. 1952 йилда 120 минг гектар ердаги ғўзалар барги орқали фосфор блан ўғитланди.

Ғўзани барги орқали ўғитлаш натижасида ҳосил Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозида 24 процент, «Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозида 25 процент, 3-нчи «Далварзин» совхозида 17 процент ошди.

1953 йилда колхозларда 140 минг гектар, совхозларда 20 минг гектар ердаги ғўза барг орқали озиқлантирилди. Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлиги ва Фанлар академияси қишлоқ хўжалик институтининг ҳисоботидаги ишлабчиқаришдан олинган ма'лумотлар, ғўзани барги орқали фосфор блан ўғитлашнинг яхши натижа беришини яна бир марта тасдиқ қилди. Масалан, барги орқали фосфор блан ўғитлаш натижасида Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозида ҳар гектар ердаги ғўза ҳосили 5,3 центнер ёки 15 процент, «Ленинизм» колхозида 6 центнер ёки 15,3 процент, Ленин номли колхозда 2,5 центнер ёки 10,3 процент кўпайди.

Ғўзани барги орқали озиқлантирган бошқа кўпгина колхозларда ҳам ҳосил ана шундай ошганлиги ма'лум бўлди. Умуман бу тадбир натижасида 3 йилда ҳосил ўрта ҳисоб блан 10—12 процент ошди.

Бу йил областимиз колхоз ва совхозларида бирнеча минг гектар ердаги ғўза барги орқали фосфор блан озиқлантирилиши керак.

Ғўзалар гуллаш ва ҳосил тугиш даврида, я'ни июль ва август ойларида барги орқали озиқлантирилиши керак. Бу даврда ғўзалар 12—20 кун оралатиб барг орқали икки, уч марта озиқлантирилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бу даврда ғўзага 18—19 процентли суперфосфат эритма ҳолатида пуркалади ёки майдаланиб, элакдан ўтказилиб чанглатади. Ғўзага суперфосфат пуркаш энг яхши усул ҳисобланади, шудринг кўп тушадиган пайтларда (август ойининг иккинчи ярмида ўтлоқ тупроқли ерларда) суперфосфатни чанглаш яхши натижа беради.

Ғўзага суперфосфатни пуркаш учун дастлаб ундан эритма тайёрланади. Бунинг учун ҳар гектар ерга 25—35 килограмм ҳисобидан суперфосфат (4—6 килограмм фосфор кислотаси) олиниб, бочка ёки цементланган ҳовузга солинади ва унга уч, тўрт ҳисса миқдорида, я'ни 100 килограмм суперфосфатга 300—400 литр сув қўшилади, эритма шу ҳолда бир сутка тургизилиб, бу орада бирнеча марта қориштирилади. Кейин эритма тиндирилади. Лойқа тамом чўккандан кейин тиниқ эритма бошқа идишга олинади. Идиш тагида қолган суперфосфат қуйқаси эса қуритилиб кузда шудгор маҳалида ерга солинади. Эритмани ажратиб олишда унга лойқа аралашиб кетмаслиги керак. Акс ҳолда лойқа пуркаш маҳалида аппарат учлигининг оғзига тиқилиб ишга ҳалақит беради.

Пуркаш олдидан суперфосфат эритмасига ўн ҳисса миқдорда сув қўшилади. Сўнгра, у орқалаб юриладиган, от қўшиладиган ва тракторга тиркаладиган аппаратлар блан пуркалаберади.

Агар ўғит самолётдан пуркаладиган бўлса, эритмага сув қўшилмайди. Чунки эритма самолётдан текис пуркалади, белгиланган майдонга сув қўшилмаган оз миқдордаги эритма етарлик бўлади. Аксинча, эритмага сув қўшилса, самолётнинг иш унуми камайиб, барг орқали ўғитлаш қимматга тушади.

Самолёт қўнадиган майдонга бочка, катта бочка келтириш ёки цементланган ҳовуз қуриш керак. Бунинг ўрнига тахтадан 1200—1500 литр суюқлик сиғадиган яшчиклар ясалса ҳам бўлади.

ПО—2А самолётнинг ҳар гектарга 75 литрдан суперфосфат эритмаси пуркай олиши ва унинг бир кунда 60—80 гектар ердаги ғўзани барги орқали озиқлантиришни э'тиборга олганда, самолёт қўнадиган майдонда шундай катта яшиклар бештаси бўлиши лозим. Чунки самолётнинг узлуксиз ишлаши учун заҳирда бўлган эритма идишнинг ҳажми (бир қисм суперфосфат ва уч қисм сув ҳисобидан) 6000—8000 литр бўлиши керак.

Агар ўғит самолётга насос блан юкламайдиган бўлса, тиниқ эритмани оқизиб тушириш учун яшчиқнинг ост томонидан учдан бир қисми мўлжалланиб тешилади ва бу тешикка жўмрак ўрнатилади, ёки пробка блан маҳкамланади. Биринчи эритма тайёрлашдаёқ тешиқнинг баландлиги, тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириш керак. Чунки ўзидаги фосфорнинг миқдорига қараб суперфосфатнинг ҳажми ҳархил бўлиб туради. Шунинг учун яшчиқка устма-уст икки-учта тешик қилиниши мумкин. Самолётга тезроқ юклаш учун яшчиқнинг ҳар'ён-ҳар'ёнида 2-3 та тешик қилиниши керак.

Сув қўшилган суперфосфат эритмаси ерда юриб пуркалса, ҳар гектар ерга 750—1200 литр сарфланади. Самолёт блан пуркалганда эса ҳар гектарга 75—120 литр сув қўшилмаган эритма сарфланади.

Пуркашнинг энг яхши вақти: эрталаб соат 10 гача, кечқурун соат 4—5 дан кейинги пайтлар ҳисобланади.

Суперфосфат ғўзага чангланадиган бўлса, дастлаб уни қуритиш, майда (1 квадрат миллиметр) кўзли элакдан ўтказиш керак.

Суперфосфатда ма'лум миқдор эркин фосфор кислотаси ҳам бўлади. Бу кислотани нейтраллаш учун унга беш процент миқдорда ўтин кули аралаштириш тавсия қилинади. Бу суперфосфатнинг яхши майдаланишини ва текис чангланишини та'мин этади. Суперфосфат порошоги яхши тайёрланганида орқалаб юриладиган, от ёки трактор блан юритиладиган аппаратлардан, шунингдек, самолётдан яхши чангланади. Ғўзани барги орқали бир марта озиқлантириш учун ҳар гектарга 40—50 килограмм 18—19 процентли суперфосфат чангланади.

Суперфосфатни эрталабки ва кечки пайтларда, ғўзада шудринг борлигида чанглаш яхшидир.

Агар ғўзага ўргимчаккана тушган бўлса, суперфосфатга майдаланган олтингугурт қўшиб чанглаш йўли блан бир вақтда ғўзани барги орқали озиқлантириш ҳам, ўргимчаккана қириш ҳам мумкин. Бунда яхши майдаланган суперфосфатга унинг ярми, я'ни 100 килограмм суперфосфатга 50 килограмм олтингугурт қўшиб қориштирилади. Сўнгра аралашма элакдан ўтказилиб ҳар гектар ерга 60—75 килограммдан чангланади.

Кўпгина колхозларда ишлабчиқариш шароитида ўтказилган тажриба суперфосфат эритмасига ИСО (оҳак-олтингугурт қайнатмасини) қўшиб аралаш пуркашнинг ҳам яхши натижа берганини кўрсатди. Бунда ҳар гектар ерга 750 — 1200 литр ярим процентли ИСО эритмасига 75—120 литр сув қўшилмаган суперфосфат эритмаси қўшиб пуркалади. Натижада ўргимчаккана қириліб кетади.

Ғўзани барги орқали ўғитлаш агротехникада янги усул. Бу усулнинг қандай фойда бериш даражаси жойларнинг иқлим, тупроқ ва агротехника шароитига қараб аниқланиши керак.

Бунинг учун МТС ва совхозлардаги агрохимия лабораторияларидан ташқари, колхоз ёки совхозларда тупроқ, сув ва агротехника шароити бирхил бўлган иккитадан карта ажратиб тажриба ўтказиш керак. Ёнма-ён турган далалардаги ғўзаларнинг ҳозирги ва бўлтурги ривожланиши солиштирилади. Бунда бир даладаги ғўза барги орқали суперфосфат блан озиқлантирилади, иккинчиси эса таққослаб кўриш учун барг орқали озиқлантирилмайди.

Совуқ бошлангунча ва совуқ бошлангандан кейин йиғиб олинган ҳосилни алоҳида ҳисобга олишдан ташқари, бир туп ғўзанинг ўзида етилган ҳосилни, очилган кўсаклар сонини, 5—15 октябрьгача кўсаклар очилган мева шохларининг сонини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бунинг учун даланинг 3—5 жойи танланиб ҳар жойдан 50—100 туп ўсимлик санаб чиқилади. Сўнгра уларнинг ҳарбиридаги жам'и кўсаклар, очилган кўсаклар, кўсаги очилган мева шохлар саналади. Ҳаргал санашда ҳосил бўлган сонлар жамланиб, ҳисобга олинган ўсимликлар сонига тақсим қилинади.

Ғўзани барги орқали озиқлантиришга сарф қилинган харажатларни ҳисобга олиш ҳам жуда муҳим. Бунда ўғитнинг қиймати, ўғитни тайёрлаш, уни ишлатишга сарф қилинган меҳнат, самолёт ва тракторлар харажати ҳисобга олинади.

Бу йил об-ҳаво бирмунча ноқулай бўлгани учун кўпгина ғўзалар ривожланишда кейинда қолаётир. Ғўза барги орқали ўғитланса, ҳосил тез етилади. Август ойида ғўзаларни яна икки марта барги орқали ўғитлаш мумкин.

Колхоз раислари, МТС ва совхоз директорлари агрономларнинг вазифаси иложи борича кўпроқ майдонларда ғўзаларни барги орқали ўғитлашдан иборат бўлмоғи керак.

Ф. УЧЕВАТКИН,
Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

А. БОРОДУЛИНА,
Биология фанлари кандидати.

Совет студентлар ва ёшлар газеталари редакторларидан бир группасининг АҚШ га бориши ҳақида

Америкадаги студентлар газеталарининг редакторларидан 1953—1954 йилларда Совет Иттифоқига келиб кетган бир группаси Совет Иттифоқидаги студентлар ва ёшлар газеталари редакторларини Америка ёшларининг ҳаёти, уларнинг ўқиш ва турмуш шароити блан танишиш мақсадида шу йил август ойида АҚШ га келишга таклиф қилиб кетганлиги, Совет студентлари газеталарининг редакторлари бу таклифни қабул қилганликлари ҳақида матбуотда хабар қилиниб ўтилган эди.

Шу йил 21 июльда тегишли совет ташкилотлари АҚШнинг Москвадаги элчихонасига мурожаат этиб, студентлар ва ёшлар газеталари редакторларидан кичик бир группасининг АҚШ га бориши учун рухсатнома беришни илтимос қилдилар. Лекин рухсатнома шу вақтгача олингани йўқ. АҚШ нинг Москвадаги элчихонаси рухсатномалар бериш ўрнига 7 августда Давлат департаменти ҳозирги вақтда АҚШ да ёзги каникул бўлаётгани муносабати блан гўё «уюшган студентларнинг озлиги» ҳамда бундан ташқари «ёшлар ўртасида активликни камлиги» сабабли совет студентларига рухсатномалар бериш масаласини «қулайроқ вақтда кўриб чиқишга» қарор берганини хабар қилди.

Давлат департаментининг бундай жавоби совет студентлари ва ёшлар газеталари редакторларининг АҚШ га бориши Давлат департаменти томонидан номаълум вақтга кечиктирилаётганлигига шак-шубҳа қолдирмайди. Совет студентларининг Америка ёшлари ҳаёти блан танишиш мақсадида АҚШ га боришлари бундан манфаатдор бўлмаган Америка таъсирли доираларининг қаршилигига учраган бўлса керак.

Токиода советларга қарши провакация муносабати блан СССРнинг Япониядаги ваколатхонасининг баёноти

ШАНХАЙ, 14 август. (ТАСС). Бизга маълум бўлишича, 9 августда «Айкокуто» фашист партиясининг аъзолари СССРнинг Токиодати ваколатхонасига провокацион ҳужум уюштирганлар. Шу муносабат блан СССРнинг Япониядаги Ваколатхонаси 14 августда Япония Ташқи ишлар министрлигига қуйидаги баёнотни юборган:

«1954 йил 9 августда «Айкокуто» япон фашист ташкилотининг провакаторлари ва безориларидан бир группаси Акао Бин бошчилигида Токиодаги Совет Ваколатхонасига ҳужум қилган. Ана шу безорилар дарвозани бузиб, Ваколатхона территориясига ёпирилиб кирганлар, ҳовлида турган совет граждани Худишкинни калтаклаганлар, антисовет варақа ва плакатларни ёпиштирганлар ҳамда СССР Ваколатхонасининг биносига кирмоқчи бўлиб уринганлар. Ана шу безорилик кўпгина япон полициялари ҳузурида қилинган. Япон полициячилари Акао Бин ва унинг шериклари томонидан қилинган ва йўл қўйиб бўлмайдиган ана шундай ҳаракатларни тўхтатиш учун зарур чораларни кўрмаганлар.

Шундай қилиб, Токиодаги Совет Ваколотхонасига нисбатан сурбетларча зўровонлик қилинган ва элементар халқаро қоидалар бузилган.

СССР Ваколатхонаси Япония Ташқи ишлар министрлигининг эътиборини ана шу фактга жалб этиб, Япония маъмурлари СССР Ваколотхонасига нисбатан қилинган ана шу жиноий ҳаракатларда айбдор бўлган шахсларни қаттиқ жазолаш ва бундан буён ана шундай ҳаракатларга йўл қўймаслиги учун зарур чораларни кўрадилар, деб ишонади».

Белгияда Совет Иттифоқи учун қурилган теплоход сувга туширилди

БРЮССЕЛЬ, 15 август. (ТАСС). Кеча Тамиза шаҳридаги (Шарқий Фландрия вилояти) кемасозлик корхонасида «Боель» фирмаси томонидан Совет Иттифоқи учун қурилган 3.100 тонна ҳажмли «Николай Добролюбов» теплоходи сувга туширилди. Шу блан бу фирма СССР савдо флоти учун бу йил учинчи теплоходни қурди.

СССР ва Бельгия давлат байроқлари блан безатилган теплоходни сувга тушириш маросими вақтида ҳар иккала мамлакат давлат гимнлари ижро этилди. Маросимда совет элчихонасининг аъзолари, СССРнинг Белгиядаги савдо вакили Роднов ва кемасозлик корхонасининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Пхеньяда Кореянинг озод қилинганига тўққиз йил тўлишига бағишланган тантанали мажлис

ПХЕНЬЯН, 15 август. (ТАСС). Кеча «Моранбон» театрида қаҳрамон Совет Армияси Кореяни озод қилганига тўққиз йил тўлишига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Президиумда маршал Ким Ир Сен бошчилигида партия ва ҳукумат раҳбарлари бор эди.

Пхеньян шаҳар халқ комитетининг раиси Чен Ен Пхо кириш нутқи сўзлади. КХДР ва Совет Иттифоқи гимнлари ижро этилди.

Министрлар кабинети раисининг ўринбосари Тен Ир Лен Корея озод қилинган куннинг тўққиз йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Докладчи Кореянинг озод қилинганлиги учун Совет Иттифоқига КХДР ҳукумати ва Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети номидан қизғин ташаккур изҳор қилди. Сўнгра у 9 йил ичида босиб ўтилган йўл ва республиканинг демократик базасини мустаҳкамлаш соҳасидаги келгуси вазифаларга муфассал тўхталди.

Кореядаги совет элчиси С. П. Суздалев табрик нутқи сўзлади. Мажлисда КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига табрик хати қабул қилинди.

Кореянинг озод қилинганига 9 йил тўлган куннинг байрам қилиниши

ПХЕНЬЯН, 15 август. (ТАСС). Бугун корейс халқи ўзининг миллий байрамини — Кореянинг Совет Армияси томонидан японлар мустамлака зулмидан озод қилинганига 9 йил тўлган кунни тантанали равишда нишонламоқда. Пхеньянда Корея Халқ армияси қуролли кучларининг паради ва меҳнаткашлар намойиши бўлиб ўтди.

Парадга тайёрланган ҳарбий қисмлар кенг майдонда саф тортиб турибдилар. Минбарларда — раҳбар партия ва давлат ходимлари, илғорлар ва меҳнат қаҳрамонлари, Корея Халқ Демократик Республикасининг Қаҳрамонлари турибди. Трибуналарда меҳмонлар — СССР, Хитой Халқ Республикаси ва халқ демократияси мамлакатларининг дипломатик вакиллари ҳам бор.

Эрталаб соат ўн. КХДР Меҳнат партиясининг ва ҳукуматининг раҳбарлари Ким Ир Сен, Ким Ду Бон, Пак Ден Ай, Пак Чан Ок, Ким Ир, Цой Чан Ик, Хон Мен Хи, Тен Ир Лен, Пак И Ван, Пак Ен Бин, Пак Ким Чер гулдурос қарсаклар ва кучли «ура» садолари остида марказий минбарга чиқадилар.

Министрлар кабинети раисининг ўринбосари ва мудофаа министри вице-маршал Цой Ен Ген парад қўмондони генерал-полковник Ким Хван Хебнинг рапортини қабул қилиб, қўшинларни айланиб чиқади. Сўнгра Цой Ен Ген нутқ сўзлаб, Корея Халқ армиясининг солдатларини, сержантларини ва старшиналари, офицерларини ва генералларини ўн бешинчи август байрами блан қутлайди. У, халқнинг тинч меҳнатини қаттиқ ҳимоя қилмоқ учун КХДР қуролли кучларининг қувватини мустаҳкамлашга чақиради.

Ҳарбий параддан кейин қаҳрамон шаҳар аҳолиси: ишчилар, атроф қишлоқлардан келган деҳқонлар, пионерлар, студентлар, давлат муассасаларининг ходимлари Корея Меҳнат партиясининг ва республика ҳукуматининг раҳбарларини табриклаб, минбарлар ёнидан ўтдилар. Намойишчилар корейс халқининг ватанни тинч йўл блан бирлаштириш ва ярашбитимини мустаҳкамлаш йўлидаги қатъий иродасини ифодаловчи, халқ хўжалигини тезроқ тиклаб олиш учун янада активроқ курашга чақирувчи шиорларни кўтариб ўтдилар. Транспарантларда пхеньянлиларнинг байрамолди мусобақасида меҳнат соҳасида эришган катта-катта муваффақиятларини кўрсатувчи сўзлар ёзилган.

Пхеньян меҳнаткашларининг намойишида 300 мингга яқин киши қатнашди.

Кечқурун минг-минглаб кишилар электр нури блан ёритилган янги майдонларга ва шаҳар кўчаларига чиқдилар. Соат тўққизда байрам шарафига берилган салют янгради.

Корея Халқ Демократик Республикасининг бошқа йирик шаҳарларида, вилоят ва ўлка марказларида ҳам халқ намойишлари бўлиб ўтди.

КОРЕЯНИНГ ОЗОД ҚИЛИНГАНИГА 9 ЙИЛ ТУЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН ПХЕНЬЯНДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ПХЕНЬЯН, 16 август. (ТАСС). Кореянинг озод қилинганига 9 йил тўлиши муносабати блан Корея Халқ Демократик Республикасининг министрлар кабинети кеча кечқурун қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Корея Халқ демократик Республикаси Меҳнат партиясининг ва ҳукуматининг раҳбарлари Ким Ир Сен, Пак Ден Ай, Пак Чан Ок, Ким Ир ва бошқалар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишлабчиқариш илғорлари, фан ва санъат арбоблари ҳозир бўлдилар. Шунингдек қабул маросимида СССР нинг Корея Халқ Демократик Республикасидаги элчиси С. П. Суздалев, Хитой Халқ Республикасининг Корея Халқ Демократик Республикасидаги мувaққат ишлар вакили Кан Е-тао, халқ демократияси мамлакатлари элчихоналари ва миссияларининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар. Ким Ир Сен қабул маросимида ҳозир бўлганларга қарата нутқ сўзлади.

Қабул маросими самимий дўстона вазиятда ўтди.

ГЕРМАНИЯНИНГ БИРЛИГИ УЧУН

БЕРЛИН, 15 август. (ТАСС). АДН агентлиги Германиянинг бирлиги масалалари блан шуғулланучи комитетнинг ахборотини эълон қилди. Ахборотда, жумладан, бундай дейилади:

Германиянинг бирлиги масалалари блан шуғулланучи комитет 1954 йил 23 июльда Ғарбий Германиядаги «Германияни қайта бирлаштиришга ёрдам бериш жамияти» раиси Пауль Лебега хат блан мурожаат қилиб, биргаликда музокаралар олиб бориш тўғрисидаги ўз таклифини эслатиб ўтган ва «Германияни қайта бирлаштиришга ёрдам бериш жамияти» шу таклифни муҳокама этмоқ учун ҳанузгача ҳечқандай чора кўрмаганлигини қайд қилиб ўтган эди.

Германиянинг бирлиги масалалари блан шуғулланучи комитет «Германияни қайта бирлаштиришга ёрдам бериш жамияти» президентини Германияни тинч йўл блан қайта бирлаштириш тўғрисида умумгерман музокараларини ўтказиш масаласида ташаббус кўрсатишга чақирган эди.

П. Лебе ўзининг жавоб хатида, Германия бирлиги масалалари блан шуғулланучи комитетнинг хатини маълумот учун қабул қилганлигини хабар қилиб, «бундан ҳечқандай ижобий натижа кутиб бўлмаса ҳам», мен шу таклифни қабул қилдим, деб ёзади.

Германия бирлиги масалалари блан шуғулланучи комитет Германиянинг ўз ичида битимга келиш йўлларини биргалашиб изламоқ учун «Германияни қайта бирлаштиришга ёрдам бериш жамиятининг» аъзолари блан музокаралар олиб боришга ҳамма вақт тайёр эканлигини яна бир марта таъкидлади.

Бош министр Отто Гротеволь немис халқи бошига тушаётган хавфни бартараф этиш мақсадида ва Германияни тинч йўл блан қайта бирлаштиришни тезлаштиришга ёрдам берадиган амалий таклифларни айтган эди. Бош министрнинг кейинги вақтларда қилган мана шу таклифи тўғрисида «Германияни қайта бирлаштиришга ёрдам бериш жамияти» ҳечкимга айтмаётир. Совет Иттифоқининг Европада коллектив хавфсизликни вужудга келтириш масаласини муҳокама қилмоқ учун кенгаш чақирилсин, деган таклифи ҳақида ҳам ўз фикрини билдирмаган, ваҳоланки, шу жамиятнинг бирқанча аъзолари, шу жумладан Германия социал-демократлар партиясининг раиси Эрих Олленхауэр бундай кенгашни рад қилмоқ учун ҳечқандай асос йўқ, деб айтган эдилар.

Жамиятнинг бу масалада индамай туриши, жамият немисларга доир сиёсатнинг асосий масалалари тўғрисида очиқойдин жавоб қайтаришдан қўрқаётир, деган таассурот туғдиради. Германиянинг бирлиги масалалари блан шуғулланучи комитет жамиятга шу нарсани таклиф қиладики, у немис жамоатчилигига, Германиянинг бирлигини тинч йўл блан тиклашга эришмоқ учун немислар нималар қилиши лозимлигини айтиб бериши керак.

Германиянинг бирлиги масалалари блан шуғулланучи комитет «Германияни қайта бирлаштиришга ёрдам бериш жамияти»нинг миллат олдидаги масъулиятни онгловчи аъзоларидан умумгерман кенгашини чақиришга ҳамда Германияни бирлаштириш масалалари бўйича музокаралар ўтказишга эришмоқ учун ўзларининг нуфузларидан фойдаланурлар, деб умид қилади.

ХАЛҚ ОВОЗ БЕРИШИНИ ЎТКАЗУЧИ КОМИТЕТ ҒАРБИЙ БЕРЛИНДА ТАҚИҚЛАНДИ

БЕРЛИН, 15 август. (ТАСС). АДН агентлигининг хабар беришича, «Сулҳ шартномаси ва оккупациячи қўшинларни олиб чиқиб кетиш тарафдоримисиз, ёки «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартнома, «умумий шартнома» ва оккупациячи қўшинларни 50 йилга қолдириш тарафдоримисиз» деган масала бўйича халқ овоз беришини ўтказучи Ғарбий Берлин комитети Ғарбий Берлин маъмурларининг шу комитет фаолиятини қонунга хилоф равишда тақиқлаганликларига қарши норозилик билдирган.

Комитетнинг баёнотида айтилишича, бундай тақиқлаш конституцияни бузиш демакдир, чунки бу блан Ғарбий Берлин аҳолиси ўзи учун жуда муҳим масалаларнинг ҳаммаси тўғрисида ўз фикрини эркинлик блан билдириш ҳуқуқларидан маҳрум этилади.

Комитет конституцияга қарши бу тадбирнинг дарҳол бекор этилишини талаб қилади.

Европада коллектив хавфсизлик системаси — Австрия блан давлат шартномаси тузишга олиб келадиган йўлдир

ВЕНА, 15 август (ТАСС). Австрия социалистик ишчилар партиясининг (сўл социалистлар) раиси Эрвин Шарф «Дер нейе форвертс» газетасида Австрия блан тузилиши лозим бўлган давлат шартномаси ва Европада коллектив хавфсизлик масаласига бағишланган мақола эълон қилди.

Шу нарса яхши маълумки, — деб ёзади Шарф, — Ғарбий Германияни қайта ҳарбийлаштириш сиёсати ўтказилаётганлиги ва шунга боғлиқ бўлган янги аншлюс (Австрияни Германияга зўрлаб қўшиб олиш) хавфи сабабли бу шартнома ташқи ишлар министрларининг Берлиндаги кенгашида имзоланмай қолган эди. Совет Иттифоқи аншлюс хавфидан ҳимоя қилмоқ учун Австриянинг маълум районларида тўрт давлат қўшинларини вақтинча қолдиришни таклиф қилди. Австрия ҳукумати эса бу компромисс таклифини рад қилмоқда ва аншлюс хавфи борлигини зўр бериб инкор қилмоқда. Аншлюсни пропаганда қилиш давом этаётганлигини, «солдатларнинг учрашувлари» ташкил этилаётганлиги ва ғарбий герман монополиялари бизнинг мамлакатимизга иқтисодий жиҳатдан сиқилиб кираётганлигини ҳисобга олганда, шуни айтиш мумкинки, ҳукуматнинг бу хилдаги калтабинлик ва эҳтимол ёвуз ниятли сиёсати мавжуд хавфни камайтирмайди, балки, аксинча, уни кўпайтирмоқда. Бундай сиёсатни гарчи ёвуз ният блан ўтказилаётган сиёсат демаганимизда ҳам, лекин узоқни кўрмайдиган сиёсат деб айтишга ҳақлимиз.

Австрия учун мана шу аҳволдан қутулиш йўли борми? Бор! Совет Иттифоқи бу йўлни кўрсатиб берди. У, «Европа армияси» ташкил қилиш йўлидаги Американинг уринишларига қарши коллектив хавфсизликнинг Умумевропа системасини тузишни таклиф қилди. Бундай система аншлюс хавфини тугатган ва мамлакатимизни ҳарбий блокка тортиш йўлидаги уринишларга хотима берган бўлур эди. Бу блан давлат шартномасини тузишга халақит бераётган асосий ғов йўқотилган бўлур эди.

Биз, австриялилар, бир нарсани билишга қизиқмоқдамиз, — деб давом қилади автор, — хўш, ҳукумат тўрт буюк давлат ўртасида музокаралар олиб боришни енгиллаштирмоқ ва коллектив хавфсизлик системасига йўл очмоқ учун нималар қилди? Австрия ҳукумати бу масалада қандай йўл тутмоқчи? Ҳукумат совет таклифига бўлган ўзининг муносабатини жамоатчиликдан яшириб, бу блан шу муносабат Австрия манфаатларига мос келмайди, деган мазмунда имо қилаётганга ўхшайди.

Европада коллектив хавфсизлик системаси тузишга қарши ғарб давлатлари ҳам, коалицион хукумат ҳам ҳечқандай жиддий эътироз билдираолмайдилар. Модомики шундай экан, кимдир биров Европада хавфсизлик системаси тузишга манфаатдор бўлмаганлиги учунгина Австриянинг оккупация қилиниб туравериши лозимми, ахир?



Шест блан баландликка сакраш бўйича Ўзбекистон чемпиони номини олган И. Чувилин 4 метр баландликка сакради. **Суратда: И. Чувилин**нинг сакраш пайти (чапда). **А. Баширов** отда барьердан сакрамоқда. У иккинчи ўринни олди. **Б. Мазур** ва **В. Володин** фотолари.

Ўзбекистон VIII спартакиадасида

Спартакиаданинг олтинчи куни волейбол мусобақаси блан бошланди. Темирйўлчилар маданият ва истироҳот боғининг спорт майдонига жуда кўп тамошабинлар йиғилди. Шу куни эркаклар ва хотин-қизлар кучли командаларининг финаль учрашуви бўлди. Биринчи бўлиб Тошкент ва Бухоро область командалари майдонга чиқдилар. Улар ўзлари иштирок этган кичик группаларда ҳечкимдан енгилмадилар. Энди, икки область командаси биринчиликни олиш учун ўзаро курашади.

Ўйин қизғин кураш блан бошланди, биринчи минутдаёқ тошкентлиларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Бичеров, Шведукс, Никитин ва бошқалар томонидан зарб блан урилган коптак рақиблар майдонига хатосиз тушаберди. Бухоролилар анча активлик кўрсатса ҳам тошкентлиларнинг қаршилигини енгаолмадилар. Натижада 15:7 ҳисоби блан Тошкент командаси ғалаба қозонди. Иккинчи партияда Бухоро волейболчилари анча ҳаракат қилган бўлсалар ҳам ғалабага эришаолмадилар. Улар 13:15 ҳисоби блан Тошкент спортчиларига ютқиздилар. Учинчи, ҳал қилучи партияда ҳам тошкентлилар ғалаба қозондилар. Шундай қилиб умумий ҳисобда Тошкент терма командаси 3:0 натижага эга бўлди ва республика чемпиони номини олди.

Ўзлари иштирок этган кичик группаларда ғолиб чиққан Тошкент ва Бухоро хотин-қизлар командалари учрашуви кескин кураш вазъиятида ўтди. Аммо, пойтахт хотин-қизлари меҳмонлардан эпчилроқ ўйнадилар. Натижада ўйин 3:1 ҳисоби блан Тошкент волейболчилари фойдасига ҳал бўлди.

Эркаклар командаси ўртасида Тошкент область волейболчилари биринчи ўринни эгалладилар. Хотин-қизлар ўртасида Қорақалпоғистон командаси биринчи марта катта ғалабага эришди. Улар биринчиликни олдилар.

Миллий кураш мусобақалари тамом бўлди. Бухорача курашда Хоразм области полвонлари биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ўринни Қорақалпоғистон, учинчи ўринни Бухоро области командаларининг полвонлари олдилар. Ўз вазнлари бўйича Ш. Муротов ва А. Саралидзе (Бухоро области), К. Каримов (Қашқадарё области), А. Омонов (Сурхондарё области), Р. Қушонов ва Н. Отажонов (Хорозм области), А. Содиқов ва К .Букешев (Қорақалпоғистон АССР)лар чемпион номини олдилар.

Фарғонача курашда Фарғона область полвонлари биринчи ўринни эгалладилар. Кейинги иккинчи ва учинчи ўринни Тошкент ва Наманган курашчилари олдилар. Андижон полвонлари тўртинчи ўринга эга бўлдилар. Ўз вазнлари бўйича полвонлардан Х. Ҳайитов ва А. Отабоев (Тошкент), Ш. Алиқулов, А. Раҳмонов, З. Низомов (Фарғона), К. Холдоров (Тошкент области), Ш. Эгамов (Наманган области) ва Қ. Омонов (Андижон области)лар республика чемпиони номини олишга муваффақ бўлдилар.

«Динамо» стадионида, «Буревестник» ва «Динамо» сув станцияларида, Округ офицерлар Уйининг спорт майдонида енгил атлетика, сузиш, гимнастика ва сувга сакраш бўйича энг кучли спортчиларнинг мусобақалари давом этмоқда.

СССР Кубоги учун футбол мусобақаси

15 августда Тошкент «Динамо» стадионида мамлакат кубоги учун футбол мусобақаси бўлди. Республика кубогини олган Тошкент офицерлар уйи командаси мастерлар командаси Тошкент «Спартак» жамиятининг футболчилари блан курашди.

Ўйин бошланиши блан армия футболчилари ҳужум бошлайдилар. Лекин улар бу ҳужумни мустаҳкамлай олмадилар. Ташаббус спартакчилар қўлига ўтади. Улар бутун ўйин давомида ўзларининг устунликларидан фойдаландилар ва ўйинни армия футболчилари майдонида олиб бордилар. Спартакчиларнинг чап қанот ҳужумчиси Тазиддинов тез ва чаққонлик блан ўйнаб, бирнеча ўйинчини алдаб ўтади ва дарвозага биринчи тўпни киритади. Орадан оз вақт ўтмай уларнинг ўрта ҳужумчиси Жигалкин дарвозага иккинчи тўпни киритади. Ўйиннинг биринчи бўлими 3:0 ҳисоби блан «Спартак» командаси фойдасига тугайди.

Ўйиннинг иккинчи қисми спартакчиларнинг ҳужуми блан бошланди. Улар қарши томон дарвозасига ҳамма томондан атака қилдилар. Ҳужумчилардан Тазиддинов, Мақсудов ва Виткаловлар турли комбинациялар қилиб, армия дарвозасининг ҳимоячиларини шошилтириб қўйдилар. Виткалов ўзига узатилган тўпни дарзоза томон олиб кетади ва штраф майдончасида эпчиллик блан ҳаракат қилиб орани ёриб ўтади ҳамда тўпни зарб блан тепиб, дарвозага киритади. Армия футболчилари командасининг дарвозаси томон штраф берилади. Виткалов тўпни боши блан уриб, дарвозага киритади.

Офицерлар уйининг футболчилари мағлубиятдан қутилиш учун бирнеча бор ҳужумга ўтадилар. Ҳатто «Спартак» дарвозасини хавф остида қолдирадилар. Лекин улар тўпни дарвозага аниқ тепмайдилар. Қарши томон дарвоза қўриқчилари эса актив ўйнаб, уларнинг ҳужумларини қайтарадилар. Ўйин 5:0 ҳисоби блан спартакчилар фойдасига тугади.

Қабул имтиҳонлари тугай деб қолди

Молотов номли Тошкент медицина институтига бу йил 700 студент қабул қилинади. Бу йил институтда биринчи марта очиладиган стомотология факультетига 100 киши қабул қилинади. Бу факультет олий маълумотли, юқори малакали тиш докторлари тайёрлаб чиқаради.

Институт маъмурияти қабул имтиҳонларини намунали ўтказиш учун кўпгина чораларни кўрди. 1 июльдан 1 августгача барча предметлар бўйича ўзбек ва рус тилларида консультациялар уюштирилди. Ўзбек қизларининг ҳаммаси ётоқ блан таъминланди. Уларга қўшимча консультациялар уюштирилди. Институтнинг профессор-ўқитучилар состави институтга янги кирувчи студентлар ўртасида «Тошкент медицина институти кимларни етиштириб чиқаради» деган темада ва бошқа темаларда кўпгина суҳбатлар ўтказдилар.

Бу тадбирлар ўз самараларини бермоқда. Институтга кириш имтиҳонини топшираётган ўқувчилар яхши кўрсаткичларга эга бўлмоқдалар. Фарғонали Р. Хўжаева хоразмли А. Ғанихўжаев, тошкентли М. Ғиёсова, Р. Асқарова, қашқадарёли М. Шаропова каби ўқувчилар барча фанлардан аъло ва яхши баҳо олдилар.

Тошкент шаҳар 40-нчи сон мактабни битириб чиққан М. Хасановнинг «Ўзбекистон — Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси» деган темада ёзган ёзма иши ўқитучиларни жуда мамнун қилди.

Фарғонали Р. Хўжаева адабиётдан оғзаки имтиҳонда билетда кўрсатилган барча саволларга пухта жавоб берди. У, бошқа имтиҳонларни ҳам аъло баҳо блан топширди.

Бошқа фанлардан ўтказилаётган имтиҳонлар ҳам муваффақиятли ўтмоқда.

Заводда балалар боғчаси

«Таштекистильмаш» заводида ишловчи болалик оналарга енгиллик туғдириш мақсадида икки қаватли боғча биноси қурилди. Болалар боғчасининг очилиш маросимига юздан ортиқ ота-оналар қатнашди.

Йиғилишда завод касаба союз комитетининг раиси Казаков, Фрунзе район халқ маорифи бўлимининг ходими Мирдеева, 155-нчи болалар боғчасининг мудири Бакланова ўртоқлар сўзладилар.

Сўзга чиққан болалик оналар бу ғамхўрлик учун партия ва ҳукуматимизга чин қалбдан миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Ҳозир болалар боғчасида 50 дан ортиқ бола тарбияланмоқда.

Т. УНАБОЕВ.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номли театрнинг ёзги биноси) — 18/VIII да **Олтинкўл**, 19/VIII да **Тоҳир ва Зуҳра.**

Тез кунда — **Фарҳод ва Ширин.** Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли (кеч соат 10 гача), «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», ТИКУЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ — янги венгер бадиий фильми **Қаҳрамоннинг қайлиғи.**

НАВОИЙ номли — кеч соат 10 да **Маскарад.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб **Ўртоқлик шарафи**, кеч соат 10 да **Дунай фарзанди.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли — **Қаҳрамоннинг қайлиғи.**

«9-НЧИ МАЙ» — **Чегарада.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Мардлар майдони**, кечқурун **Биринчи баҳор.**

«УЗКОММУНЭНЕРГО» ТРЕСТИГА

капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи вазифасига **қурилиш инженери, механик инженер, электрик инженерлар**

К Е Р А К

СТРАХОВАНИЕ ҚИЛДИРУЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ колхозлар ва гражданларнинг хўжаликларида СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНГАН МУЛК УЧУН **мажбурий окладли страхование бўйича тегишли ТУЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИЛАР.**

Колхозлар страхование тўловларини Госстрах инспекциясининг Госбанк бўлимидаги счётига ўтказадилар.

Колхозчилар ва қишлоқ жойларидаги бошқа страхование қилдиручилар страхование пулини район молия бўлимларининг солиқ агентларига, Госстрах инспекторларига тўлайдилар. Шунингдек страхование тўловларини Госстрах бўлимининг Госбанкдаги счётига почта орқали ўтказишлари ҳам мумкин.

Почта орқали ўтказган тақдирда, почта бланкасида тўловчиларнинг номи ва суммаси, страхование гувоҳномасининг номери, тўловчининг фамилияси, оти ва отасининг оти ва адресини кўрсатиш лозим.

Шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва бошқа жойлардаги страхование қилдиручилар (ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданлар) страхование пулини: а) Давлат банки муассасаларига, б) Коммунал банкнинг кирим кассаларига, в) омонат кассаларига, г) Госстрах агентлари ва инспекторларига тўлайдилар.

Страхование қилдиручилар! Мажбурий окладли страхование тўловларини муддатидан олдин ва ўз вақтида топширингиз!

Давлат страхованиесининг Тошкент область бошқармаси.

ТОШКЕНТ ГРАМПЛАСТИНКА ЗАВОДИГА

слесарьлар, массоварлар, юкчилар, прессчи шогирдлари, русча машинистка, упаковкачилар ва ОТК контролёрлари

К Е Р А К

Ёлғиз кишилар бир йил ишлаб бергандан кейин уй-жой блан таъминланади.

Тошкент шаҳар, Чирчиқ-Горний кўча, 5/7-нчи уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон — 36-207 (4-нчи автобус боради).

Тракторная кўча, 31-нчи уйда туручи **Тўхта Икромовнинг** Карамурская кўча, 164-нчи уйда туручи Муқаддам Рихсибоевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

Лабзак кўча, 257-нчи уйда туручи **Собир Солиҳовнинг** шу уйда туручи Инобат Мансуровадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

Ташоблпромсовет правлениеси ва коллективи, Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги артельларнинг коллективлари «Узпромсовет» раисининг ўринбосари

Ҳаким Юсупович ШОМИРЗАЕВНИНГ

вақтсиз вафот этганини чуқур қайғу блан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Эълонлар бўлими — 38142

Р. 00596. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1416.